

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон узлуksиз таълимнинг
давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

5340900 – Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш
бакалаврият таълим йўналишининг
давлат таълим стандарти

Расмий нашр

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ УЗБЕКИСТАНА

Государственные образовательные стандарты
непрерывного образования Узбекистана

Государственный образовательный стандарт высшего образования

Государственный образовательный стандарт направления образования
бакалавриата *5340900 – Экспертиза и управление недвижимостью*

Издание официальное

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

5340900 – Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш бакалаврият таълим йўналишининг давлат таълим стандарти

Расмий нашр

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент

СЎЗ БОШИ**1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини Ривожлантириш маркази;
- Тошкент архитектура қурилиш институти.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил «10» *сентябр* даги 84 - сонли буйруғи.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги.

4. ИЛК БОР КИРИТИЛГАН.

Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга қўлланилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) ва унга ўзгартиришлар киритилиши тўғрисидаги маълумотлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этилувчи кўрсаткичларда чоп этилади.

Мазкур стандартни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир

Мундарижа

| T/p | | Бет |
|-----|--|-----|
| 1 | Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари | 1 |
| 2 | Қўлланиш соҳаси | 2 |
| 3 | Атамалар, таърифлар, кискартмалар | 3 |
| 4 | Таълим йўналишининг тавсифи | 3 |
| 5 | <i>5340900 – Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи</i> | 4 |
| 6 | Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар | 5 |
| 7 | Таълим дастурларининг мазмуни ва компонентлари | 20 |
| 8 | Бакалавриятнинг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шартларга белгиланган талаблар | 31 |
| 8.1 | Бакалавриятнинг таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар | 31 |
| 8.2 | Таълим дастурларининг татбиқ этилиши | 32 |
| 8.3 | Малака амалиётини ташкил этиш талаблари | 33 |
| 8.4 | Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар | 34 |
| 8.5 | Таълим жараёнини ўқув-услубий ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари | 34 |
| 8.6 | Ўқув жараёнининг моддий-техник базаси бўйича талаблар | 34 |
| 9 | Бакалавр тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш | 35 |
| 10 | Эслатма | 36 |
| 11 | Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати | 36 |
| 12 | Илова | 37 |
| 13 | Библиографик маълумотлар | 38 |
| 14 | Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари | 39 |

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг
давлат таълим стандартлари
Олий таълимнинг давлат таълим стандарти
5340900 – Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш бакалаврият
таълим йўналишининг
давлат таълим стандарти**

**Государственные образовательные стандарты
непрерывного образования Узбекистана
Государственный образовательный стандарт высшего образования
Государственный образовательный стандарт направления образования
бакалавриата 5340900 – Экспертиза и управление недвижимостью**


**State Educational Standards of Continuous Education of Uzbekistan
State Educational Standards of Higher Education
Necessary for content and level of Bachelors in 5340900-Real estate expertise
and management**

Амал қилиниши «15» 09 2014 йилдан
тоқланмаган

1. Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари

Мазкур таълим йўналиши бўйича давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда қуйидаги ҳужжатларга асосланди:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 20 июлидаги 341-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1533-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 18 июлдаги «Янгиланган «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари



Классификатори»ни ижро ва амалда фойдаланиш учун қабул қилиш тўғрисида»ги 302-сонли буйруғи.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 8 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 190-сонли буйруғи.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 4 июлдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 281-сонли буйруғи.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 14 ноябрдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 446-сонли буйруғи.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 14 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 158-сонли буйруғи.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон.

15. Ўзбекистон Республикаси «Кўчмас мулк қийматини баҳолаш» 10-сон миллий стандарти. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2009 йил 12 октябрдаги 01/19-18/21-сон қарори.

2. Қўлланиш соҳаси

2.1. Олий таълимнинг ушбу давлат таълим стандарти (ОТ ДТС) 5340900 – *Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш* таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастурлари ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

2.2. Олий таълим муассасаси мазкур таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда ДТС асосида таълим дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

2.3. Олий таълим ДТСнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши ва тайёргарлик даражаси бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул - олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

- ўз ваколати доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;
- таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳукукига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

3. Атамалар, таърифлар, қисқартмалар

Мазкур стандартда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда олий таълим соҳасидаги халқаро ҳужжатларга мос равишда атамалар ва таърифлардан фойдаланилган:

касбий фаолият тури – таълим йўналишига ўзгартишлар киритиш мақсадида касбий фаолият объектига таъсир қилишнинг методлари, усуллари, услублари ва тавсифи;

компетенция – тегишли соҳада касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатлар мажмуи;

модуль – тарбиялаш ва ўқитишга йўналтирилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантикий тугалланганликка эга бўлган ўқув фани (курси) ёки ўқув фанлари (курслари)нинг маълум бир қисми;

таълим йўналиши – таълим дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан эгалланган ва бериладиган «бакалавр» академик даражаси доирасида касб фаолиятининг муайян турини бажаришни таъминловчи базавий ва фундаментал билимлар, ўқувлар ва кўникмалар комплекси;

касбий фаолият объекти – предметлар, воқеликлар, жараёнлар ва фаолият доирасида ҳаракатга йўналтирилган тизимлар;

касбий фаолият соҳаси – илмий, ижтимоий, иқтисодий, ишлаб чиқаришда намоён бўладиган касбий фаолият объектиларининг мажмуи;

бакалаврият – олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълим;

бакалавриятнинг таълим дастурлари (бакалаврият дастури) – ўқув фанларининг бакалаврият йўналишларига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ кадрларнинг зарурий ва етарли даражадаги тайёргарлигини таъминловчи блокларга жамланган рўйхати;

ўқув-ўрганиш натижалари – ўзлаштирилган билимлар, амалий малакалар, кўникмалар мажмуи;

ДТС – давлат таълим стандарти;

АРМ - ахборот ресурс маркази;

ИТИ - илмий тадқиқот институтлари;

ОТМ - олий таълим муассасаси.

4. Таълим йўналишининг тавсифи

4.1. 5340900 – Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг таълим дастурини амалга оширган, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат (лар) берилди.

4.2. Таълим дастурининг меъёрий муддати ва мос малака (даража)си I-жадвалда келтирилган.

Таълим дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малакаси

| Таълим дастурининг номи | Малака (даража) | Таълим дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати |
|--------------------------------|-----------------|---|
| Бакалавриятнинг таълим дастури | Бакалавр | 4 йил |

5. 5340900 – Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи

5.1. Бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳаси

5340900 – *Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш* – фан ва техника соҳасидаги таълим йўналиши бўлиб, иқтисодийнинг барча тармоқ ва соҳаларида кўчмас мулк объектларидан фойдаланишни ташкил этиш, кўчмас мулк иштирокидаги иқтисодий муносабатларни амалга ошириш, кўчмас мулкни яхшилаш ва ривожлантириш билан боғлиқ фаолият соҳаларини қамраб олади.

Бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

- иқтисодийнинг барча тармоқ ва соҳаларидаги кўчмас мулк объектларидан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш;
- кўчмас мулк объектларини экспертиза қилиш ва уни замонавий қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялари, ускуналари, жиҳозларини қўллаган ҳолда, илғор технологиялардан фойдаланиб модернизация қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- кўчмас мулк объектларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, қайта қуриш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш;
- кўчмас мулк объектлари иштирокидаги мулкий муносабатлар ва иқтисодий жараёнларни бошқариш;
- иқтисодийнинг барча тармоқ ва соҳалари корхоналарининг қурилиш соҳасидаги стратегик дастурларини тузиш ҳамда улардаги кўчмас мулкни бошқаришни самарали усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллаш.

5.2. Бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:

5340900 – *Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш* таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари - иқтисодий тармоқлари ва соҳаларидаги корхона ва ташкилотларнинг кўчмас мулк объектлари, кўчмас мулк объектларини экспертиза қилиш ва уларни самарадорлигини ошириш билан боғлиқ фаолиятларни амалга ошириш ташкилотлари, кўчмас мулк объектларини қуриш, қайта қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш корхона ва ташкилотлари, кўчмас мулк бозори ва кўчмас мулк иштирокидаги мулкий муносабатлар амалга ошириладиган ташкилотлар, кўчмас мулк объектларининг ер майдонлари, шаҳар ва шаҳар ташқарисидаги кўчмас мулк объектлари учун ажратилган ҳудудлар.

5.3. Бакалаврлар касбий фаолиятининг турлари

5340900 – *Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш* таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятининг турлари:

- *илмий - тадқиқот;*
- *ишлаб чиқариш;*
- *ташкилий – бошқарув;*
- *лойиҳа-конструкторлик;*
- *фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш ва шу кабиларни ўз ичига олади.*

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятнинг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

5.4. Касбий мослашув имкониятлари

Бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

5.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5340900 – Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин **5A340901 - Кўчмас мулкни баҳолаш ва бошқариш, 5A340902 - Шаҳар ҳудудидан фойдаланиш ва уни бошқариш** магистратура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда магистратурада ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил изланувчи сифатида илмий-тадқиқот олиб бориш мумкин.

6. Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

6.1. 5340900 – Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар:

а) умумий талаблар:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол гоёсига асосланган фаол ҳаётий нуқтан-назарга эга бўлиши;

- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорларни қабул қила олиши;

- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш қobiliятига эга бўлиши керак.

б) касбий талаблар:**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- техник воситалар, тизимлар, жараёнлар, қурилмалар, материаллар ва янги турдаги қурилиш материалларнинг таркиби ва технологиясини амалиётга татбиқ этиш, машиналар ва автоматлаштирилган линияларни синовдан ўтказишда зарур бўлган ташкилий ишларда иштирок этиш;

- республика ва хорижда чоп этилган кўчмас мулкни бошқаришга оид илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;

- илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;

- мавзу (топширик) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

- илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш қobiliятларига эга бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш фаолиятида:

- намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;
- кўчмас мулк объектлари қурилишида технологик интизомга риоя қилинишини назорат қилиш;
- қурилишда техник ҳужжатларни (ишларни бажариш графиклари, йўриқномалар, режалар, сметалар, материал ва жиҳозларга буюртмалар) тузиш ;
- кўчмас мулкдан фойдаланишни ташкил этиш бўйича намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллаш;
- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш *қобилиятига эга бўлиши керак.*

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- кўчмас мулк объектларидан фойдаланишни ташкил этиш ва уларни бошқариш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- бино ва иншоотларни қуриш, қайта қуриш, реконструкция қилиш ҳамда уларда турли яхшиланишларни амалга ошириш ишлари сифатини бошқариш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- кўчмас мулк объектларининг ҳаётий давомийлигида улардан фойдаланиш билан боғлиқ технологик жараёнларининг узлуксизлигини таъминлаш учун зарур бўлган ресурслар таъминотини режалаштириш;
- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган кўчмас мулкни бошқариш технологик жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш услублари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига риоя қилиш талабларидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- муҳандислик ва конструкторлик ечимларини амалиётга татбиқ қилишни ташкил қилиш ва бошқариш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришда сифатни бошқариш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар хилма-хиллиги шаронтида бошқарув қарорини қабул қилиш;
- бирламчи ишлаб чиқариш бўғинининг ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширишда эришилган натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш *қобилиятига эга бўлиши керак.*

Лойиҳа-конструкторлик фаолиятида:

- кўчмас мулк объектлари, уларнинг муҳандислик тизимлари ва жиҳозларини лойиҳалаш учун ахборотга оид ва бошланғич маълумотларни тўплаш;
- автоматлаштирилган лойиҳалашнинг стандарт воситаларидан фойдаланган ҳолда қурилиш конструкцияларини ҳисоблаш ва конструкциялаш;
- лойиҳавий ва ишчи техник ҳужжатларини тайёрлаш, якунланган лойиҳавий-конструкторлик ишларини расмийлаштириш;
- ишлаб чиқилувчи лойиҳалар ва техник ҳужжатларни вазифалар, стандартлар, меъёрлар, техник шартлар ва бошқа ижро ҳужжатларига мувофиқ келишини таъминлаш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш фаолиятида:

- кўчмас мулк объектларининг конструкциялари, ускуналари, муҳандислик тизимлари ва жиҳозларини монтаж қилиш, созлаш, синаш ва фойдаланишга топшириш қоидалари ва технологиясини билиши;
- технологик таъминлаш жиҳозлари, ускуналари ва воситаларини синов текшириши усулларини эгаллаган бўлиши;

– кўчмас мулк объектларининг конструкциялари, муҳандислик тизимлари ва асбоб-ускуналарининг техник ҳолатини текшириш ва қолдиқ ресурсини техник баҳолаш қобилиятига эга бўлиши керак.

6.2. Таълим дастурлари бўйича билим, малака ва кўникмаларига қўйилган талаблар

6.2.1 Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки бўйича талаблар

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки бўйича талаблар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган «*Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар*» блоки бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

6.2.2 Математик ва табиий-илмий фанлар блоки бўйича талаблар

6.2.2.1. Олий математика фани бўйича

Бакалавр:

– математика дунёсини билишнинг ўзига хос усули, унинг тушунчалари ва тасаввурларининг умумийлиги *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

– объектларнинг миқдорий ва сифат нисбатларини ифодалаш учун математик символлардан фойдаланиш;

– математик таҳлил, аналитик геометрия, чизиқли алгебра, комплекс ўзгарувчи функцияси назарияси, эҳтимоллик назарияси ва статистик математика, дискрет математиканинг асосий тушунчалари ва услубларини;

– функционал ва ҳисоблаш масалаларини ечиш моделларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

– алгебраик тенгламаларни аналитик ва сонли ечиш;

– мантикий ҳисоблашларни амалга ошириш;

– дифференциал ва интеграл ҳисоблашларни бажариш;

– тасодифий жараёнларни моделлаштириш;

– экспериментал маълумотларга ишлов бериш *кўникмаларига эга бўлиши лозим.*

6.2.2.2. Информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича

Бакалавр:

– компьютер ва унинг қурилмалари, тизимли блокдаги иш тамойиллари (винчестер, маълумотни киритиш, маълумотни текшириш, маълумот олиш);

– дастурий таъминот ва унинг таркиби, дастурлаш тиллари ва уларнинг классификацияси, Microsoft Office дастурлар пакети ва унинг таркиби;

– ахборот технологиялари ва тармоқ технологиялари;

– компьютер график дастурлари имкониятлари, компьютерда график тасвирлар яратиш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

– матнли ҳужжатлар, электрон жадваллар ва тақдимотларни яратишни, маълумотлар базасини яратиш ва уни қайта ишлашни;

– электрон почтадан фойдаланишни ва қўллашни, интернетдан керакли маълумотни қидиришни ва уни қайта ишлашни, маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш, импорт ва экспорт қилишни,

– график дастурларни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

– турли хил компьютер дастурлари ва редакторлари билан ишлаш;

– илмий-тадқиқот ва таълимга оид иш учун хусусиятига кўра редакторни қўллаш;

– курс ва диплом лойиҳа ишларини компьютерда расмийлаштириш ва тақдимотини ўтказиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.2.3. Физика фани бўйича

Бакалавр:

– механиканинг физик асослари, электр ва магнетизм, тебраниш ва тўлқинлар физикаси;

– квант физикаси, акустика, статистик физика ва термодинамика;

- оптика, атом ва ядро физикаси *хақида тасаввурга эга бўлиши;*
- классик механикада ҳолат тушунчаси, ҳаракат қонунлари, сақланиш қонунларини;
- вакуумда ва моддада электростатика ва магнитостатикани, гармоник ва ногармоник осциллятор тушунчаларини;
- спектрал ёйилманинг физикавий маъноси, тебраниш қонуниятлари, корпускуляр-тўлқин дуализми, ноаниқлик тамойили, квант ҳолатларини;
- гидродинамика, акустиканинг физикавий асослари, товушнинг табиатини;
- термодинамиканинг уч қонуни, ҳолатнинг термодинамик функцияларини;
- иссиқлик-масса алмашинуви жараёнларида ўхшашлик назариясини қўллашни;
- ёруғликнинг қайтиш ва синиш қонунлари, атом тузилиши, атом нурланиш спектридаги қонуниятларни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- физикавий моделларни тадқиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларида ва техникавий объектларда энг оддий физикавий тизимларнинг моделларидан фойдаланиш;
- физика фанининг турли бўлимларига характерли бўлган қийматларнинг сонли тартибини ўлчаш ва баҳолаш *қўникмаларига эга бўлиши лозим.*

6.2.2.4. Назарий механика фани бўйича

Бакалавр:

- статика: статика аксиомалари, бир нуктада кесишувчи кучлар тизими;
- кинематика: нукта кинематикаси, нукта ҳаракати берилишининг усуллари, нукта тезлиги ва тезланиши;
- динамика: нукта динамикаси, нукта ҳаракатининг дифференциал тенгламалари *хақида тасаввурга эга бўлиши;*
- статика аксиомалари, кесишувчи кучлар тизими, жуфт кучлар назарияси, куч моменти, эркин жойлашган кучлар тизимлари;
- нукта кинематикаси, нукта ҳаракати берилишининг усуллари, нукта тезлиги ва тезланиши, нуктанинг мураккаб ҳаракати, қаттиқ жисм кинематикасини;
- нукта динамикаси, инерцион ва поинерцион ҳисоб тизимларида нукта ҳаракатининг дифференциал тенгламаларини;
- қаттиқ жисм динамикаси, аналитик механика асослари механик тизимлар тебранишлари ва турғунлигини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- транспорт бино ва иншоотлари элементларини ҳисоблашда қўлланиладиган статик, кинематик ва динамик масалаларни ечиш ва улардан амалда фойдаланиш *қўникмаларига эга бўлиши лозим.*

6.2.2.5. Кимё фани бўйича

Бакалавр:

- модда (атом ва молекулалар) тузилишга доир назарияларнинг ривожланиши, умумий кимёни жуда муҳим мавзуларини ўзлаштириш учун йўналтириши *хақида тасаввурга эга бўлиши;*
- кимё фанини илмий ва амалий жиҳатларини ўрганиш, уни халқ хўжалигидаги ролига катта аҳамият бериш, кимё ҳақида умумий тушунчалар, услублар, қонулар, гипотезалар, назариялар, таълимотларидан фойдалана олиши ҳамда уларни ўрганиши, билиши ва улардан фойдалана олиши;
- дунёдаги кимё фанида эришилаётган ютуқларни амалиётга татбиқ этиш *қўникмаларига эга бўлиши лозим.*

6.2.2.6. Экология фани бўйича

Бакалавр:

- биосфера ва инсон, табиатдан фойдаланиш атроф-муҳитни асраш *хақида тасаввурга эга бўлиши;*

- биосферанинг тузилмаси, экологик тизимлар, мухит ва организмларнинг ўзаро муносабати, экология ва инсон саломатлиги, атроф-мухитнинг глобал муаммоларини;
- табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва табиат муҳофазасининг экологик тамойилларини;
- табиатдан тежаб-тергаб фойдаланиш асослари, экологик ҳимоя техникаси ва технологиясини;
- атроф-мухит соҳасида халқаро ҳамкорликни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- экологик ҳуқуқ асослари ва касбий масъулият, қурилиш ишлаб чиқариши ва қурилиш материаллари саноатида экологик масалаларни ечиш *қўникмаларига эга бўлиши лозим*.

6.2.3. Умумқасбий фаилар блоки бўйича талаблар

6.2.3.1. Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фани бўйича

Бакалавр:

- ортогонал ва марказий проекциялашларга асосланган чизма геометрия усуллари;
- стандартлаш давлат тизими, конструкторлик хужжатлар мажмуаси, стандартлар, стандарт буюмлар ва конструкторлик хужжатлари турлари;
- инженерлик графикаси қондалари ва усуллари;
- ортогонал ва аксонометрик проекцияларда соялар, перспектива ясаш ва перспективада соялар ясаш усуллари;
- қурилиш чизмалар турлари ва конструкциялари, техник схемалари, шартли белгилари;
- компьютер график дастурлар имкониятлари;
- компьютерда график тасвирлар яратиш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- проекциялаш усуллари ва лойиҳалаш асосларини;
- геометрик моделлаштириш усулларини;
- аксонометрик ва перспектив тасвирлашни;
- техник чизмалар ва эскизлар ўқишни;
- турли қурилиш чизмаларини ўқишни;
- конструкторлик хужжатларини компьютер ёрдамида икки ва уч ўлчамли тасвирлар чизмасини бажаришни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- чизма геометрия ва инженерлик графикаси қондалари, усул ва йўриқларини қўллаш;
- проекцион чизмалар, техник схемалар ва эскизларни бажариш;
- қурилиш чизмаларини бажариш;
- компьютерда чизмалар ва лойиҳалар яратиш *қўникмаларга эга бўлиши керак*.

6.2.3.2. Материаллар қаршилиги фани бўйича

Бакалавр:

- материаллар қаршилиги фанининг аҳамияти ва вазифалари; конструкция элементлари ва уларнинг ҳисоблаш схемаси; ички кучларни аниқлаш; кесиш усули; кучланиш ва унинг турлари;
- чўзилиш ва сиқилиш; Гук қонуни; чўзилиш ва сиқилишга ишлайдиган стерженларни мустаҳкамликка ҳисоблаш; намуналарни синаш орқали механик хусусиятларини аниқлаш;
- текис кесимларнинг геометрик характеристикалари; силжиш; буралиш; эгилиш; эгилишдаги ички кучлар; нормал кучланиш бўйича мустаҳкамлик шarti; балканинг эгилишдаги қўчишларини аниқлаш; балканинг бикрлик шarti;
- мураккаб қаршилиқ; қийшиқ эгилиш; номарказий сиқилиш ва чўзилиш; сиқилган стерженнинг устиворлиги *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

- конструкция элементлари ва уларнинг ҳисоблаш схемасини танлашни; ички кучларни аниқлашни; кучланиш ва унинг турларини;
- чўзилиш ва сиқилишга ишлайдиган стерженларни мустаҳкамликка ҳисоблашни; намуналарни синаш орқали механик хусусиятларини аниқлашни;
- текис кесимларнинг геометрик характеристикаларини; силжиш, буралиш ва эгилиш деформацияларини; эгилишда нормал кучланиш бўйича мустаҳкамлик шартини; балканинг эгилишдаги кўчишларини аниқлашни; балканинг бикрлик шартини;
- мураккаб қаршилиқ; қийшиқ эгилиш; номарказий сиқилиш ва чўзилиш ва сиқилган стерженнинг устиворлигини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- конструкция элементлари ва уларнинг ҳисоблаш схемасини танлаш; ички кучларни аниқлаш;
- чўзилиш ва сиқилишга ишлайдиган стерженларни мустаҳкамликка ҳисоблаш; намуналарни синаш орқали механик хусусиятларини аниқлаш;
- текис кесимларнинг геометрик характеристикалари; силжиш, буралиш ва эгилиш деформациялари; эгилишда нормал кучланиш бўйича мустаҳкамлик шартини; балканинг эгилишдаги кўчишларини аниқлаш; балканинг бикрлик шартини;
- мураккаб қаршилиқ; қийшиқ эгилиш; номарказий сиқилиш ва чўзилиш ва сиқилган стерженнинг устиворлиги бўйича *амалий кўникмаларга эга бўлиши керак*.

6.2.3.3. Қурилиш механикаси фани бўйича

Бакалавр:

- қурилиш механикаси фанининг аҳамияти ва вазифалари; бино ва иншоотларнинг ҳисоблаш схемаси ва уларнинг кинематик анализи; таъсир чизиқлар назарияси;
- кўп ораликли статик аниқ балкалар, статик аниқ текис фермалар ва уч шарнирли системалар, уларни доимий ва ҳаракатланувчи юклар таъсирига ҳисоблаш;
- эластик системаларда кўчишларни аниқлаш; статик ноаниқ системалар ва уларни ҳисоблаш усуллари ҳамда узлуксиз балкалар *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- бино ва иншоотларнинг ҳисоблаш схемасини танлашни ва уларнинг кинематик анализини; таъсир чизиқлар назариясини;
- кўп ораликли статик аниқ балкалар, статик аниқ текис фермалар ва уч шарнирли системаларни, уларни доимий ва ҳаракатланувчи юклар таъсирига ҳисоблашни;
- эластик системаларда кўчишларни аниқлашни; статик ноаниқ рамаларни куч ва кўчиш усулларида ҳисоблашни ва узлуксиз балкаларни ҳисоблашни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- бино ва иншоотларнинг ҳисоблаш схемасини танлаш ва уларнинг кинематик анализи; таъсир чизиқлар назарияси;
- кўп ораликли статик аниқ балкалар, статик аниқ текис фермалар ва уч шарнирли системалар, уларни доимий ва ҳаракатланувчи юклар таъсирига ҳисоблаш;
- эластик системаларда кўчишларни аниқлаш; статик ноаниқ рамаларни куч ва кўчиш усулларида ҳисоблаш ҳамда узлуксиз балкаларни ҳисоблаш бўйича *амалий кўникмаларга эга бўлиши керак*.

6.2.3.4. Инженерлик геодезияси фани бўйича

Бакалавр:

- ернинг шакли ва ўлчамлари, геодезияда қўлланадиган координата тизимлари;
- жойда чизиқларни ориентирлаш; топографик режа ва карталар, уларда масала ечиш;
- геодезик асбобларнинг турлари ва уларнинг тузилиши, улар билан ўлчашларни бажариш;
- топографик-геодезик ўлчашлар турлари ва уларни бажариш;
- геодезик ўлчашлар натижасини ишлаб чиқиш ва улар аниқлигини баҳолаш;
- масофадан туриб ерни зондлаш усуллари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

- ер сиртини план ва карталарда тасвирлаш учун топографик-геодезик ишлар технологиясини;
- геодезик ўлчаш усуллари, ўлчаш воситалари ва натижаларни математик ишлаб чиқишни;
- геодезик ўлчаш асбоблари, шу жумладан ҳозирги замон электрон асбобларни, уларнинг техник кўрсаткичлари, уларни синаш, текшириш тузатиш ва уларни ишлатишни;
- мамлакатимиз ва хориж давлатларида геодезик ўлчашларни бажариш ва натижаларни ишлаб чиқишни техник таснифи ва иқтисодий кўрсаткичларини;
- топографик-геодезик ишларни бажаришда стандартлар ва техник шартларни;
- топографик-геодезик ишлаб чиқаришда меҳнатни ташкил қилишда қўйиладиган асосий талабларни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- топографик режа ва хариталар билан ишлаш;
- теодолит, нивелир, тахеометр, мензула жиҳозлари, GPS қабул мосламалари, электрон тахеометр ва рақамли нивелирлар билан ишлаш;
- стереофотограмметрик, тахеометрик, TOSS ва Total station съёмкалар усулида топографик режа ва хариталарни тузиш;
- геодезик ўлчашлар натижасини математик ишлаб чиқиш;
- геодезик тармоқларни турли усулларда тенглаш ва аниқлигини баҳолаш;
- кадастр ишларини геодезик ўлчашлар билан таъминлаш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.3.5. Қурилиш материаллари ва буюмлари фани бўйича

Бакалавр:

- “Қурилиш материаллари ва буюмлари” фанининг мақсади, вазифалари ва аҳамияти;
- қурилиш материаллари ва буюмларини тадқиқ қилишнинг замонавий усуллари;
- композицион қурилиш материалларининг таркиби, нано, микро ва макроструктураси, хоссалари ва уларни тайёрлаш, ресурс ва энергиятежамкор, экологик ҳавфсиз технологиялар;
- қурилиш материаллари ва буюмларидан бино ва иншоотларни қуриш, таъмирлаш ва қайта қуришда самарали фойдаланиш;
- қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёлар ва иккиламчи ресурслардан фойдаланиш *ҳақида тасаввурга эга бўлиш*;
- турли қурилиш материаллари ва буюмларининг асосий хоссалари ва қўлланиш соҳаларини;
- табиий тош материалларидан қурилишда унумли фойдаланишни;
- минерал ва органик боғловчи моддалар асосида тайёрланадиган композицион қурилиш материалларининг хоссалари ва уларни яхшилаш усулларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- қурилиш материаллари хоссаларини аниқлашнинг стандартлаштирилган усулларини қўллаб, лаборатория синовларини ўтказиш ва олинган натижаларни таҳлил қилиш;
- замонавий қурилиш материаллари ва буюмлари тўғрисида маълумотлар тўплаш ва уларнинг қурилишдаги аҳамияти тўғрисида рефератлар ёзиш;
- қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда метрология, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва сифат назорати қондаларига амал қилиш *қўникмаларига эга бўлиши лозим.*

6.2.3.6. Архитектура фани бўйича

Бакалавр:

- турар-жой ва жамоат биноларининг ўзига хос хусусиятлари;
- турар-жой ва жамоат биноларига қўйиладиган талаблар;
- биноларнинг ҳажмий-тархий ва конструктив ечимлари;

– бинолар ва иншоотлар лойihalashning физик-техник асослари *хақида тасаввурга эга бўлиши*;

- архитектура фанининг моҳияти, тушунчалари ва масалаларини;
- архитектуравий-қурилиш лойihalashning назарий ва физик-техник асосларини;
- лойihalashда типлаштириш, бирхиллаштириш ва стандартлаштириш тамойилларини;

– бинолар зилзилабардошлигини таъминлаш асосларини;

– турли типдаги биноларни лойihalash коидаларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

– турар-жой ва жамоат биноларини лойihalash;

– турли типдаги биноларни лойihalashда ёнғинга ва зилзилага қарши талабларни эътиборга олиш;

– архитектуравий-қурилиш лойihalashда иссиқлик техникаси, акустика ва ёруғлик техникаси бўйича ҳисоблашларни бажариш *кўникмаларига эга бўлиши керак*.

6.2.3.7. Грунтлар механикаси, замин ва пойдеворлар фани бўйича

Бакалавр:

– бино ва иншоотларни лойihalashда ва қуришда геологик маълумотлар;

– грунтлар механикаси, замин ва пойдеворлар фанининг замонавий қурилишдаги ўрни ва аҳамиятини билиши;

– замин ва пойдеворлар, грунтли иншоотларни лойihalash, барпо этиш, уларнинг конструктив элементлари ва ечимлари асосида замонавий ҳисоблаш усулларидан фойдаланиши;

– республикада капитал қурилишни ривожлантиришга оид давлат қонунчилигини ва ушбу соҳа бўйича давлат сиёсатини ифодаловчи ҳужжатлар *хақида тасаввурга эга бўлиши*;

– замин ва пойдеворлар, грунтли иншоотларни лойihalash ва барпо этишга оид иқтисодий самарадор усуллардан фойдаланиши;

– замин ва пойдеворлар, грунтли иншоотларнинг замонавий шакллари, ҳисоблаш усуллари, ўрнатиш шароитлари ҳақида хорижий технологиялардан хабардор бўлиб, уларни республикамиз шароитига мослаб тадбиқ этиш усулларини ишлаб чиқиши;

– турли грунт шароитларида замин ва пойдеворлар лойihalashning оптимал нусхасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириши;

– эришилган иқтисодий самарадорлик бўйича қутиладиган даромадни ҳисоблаш усулларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

– замин ва пойдеворлар, грунтли иншоотларни лойihalash ва барпо этиш соҳаси бўйича эришилган ютуқлар натижаларини баҳолай билиш;

– замин ва пойдеворлар, грунтли иншоотлар қурилишига оид янги замонавий усуллар тақлиф қила билиш ва уларни ҳар томонлама исботлаб амалиётда қўллаш *кўникмаларга эга бўлиши керак*.

6.2.3.8. Қурилиш конструкциялари фани бўйича

Бакалавр:

– темирбетон ва металл конструкцияларининг ишлатилиш соҳалари ва уларнинг асосий синфланиши;

– ёғоч ва пластмасса конструкцияларини ҳисоблашнинг замонавий усуллари;

– пўлат ва алюминий қотишмаларининг кимёвий таркиби, микроструктураси ва физик-механик хоссалари;

– елимланган ёғоч тўсинлар ва уларни арматуралаш;

– ёғоч аркалар ва уларнинг турлари, елимланган ва фанерли аркалар;

– темирбетон ва металл конструкцияларининг чегаравий ҳолатлар усули бўйича ҳисоблаш асослари;

– темирбетон ва металл конструкцияларининг маҳаллий ва умумий устиворлиги;

- марказий ва номарказий сиқилган, сиқилган-эгишган стерженларнинг устиворлигини таъминлаш усуллари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- қўзилиш, сиқилиш ва соф эгилишга ишловчи металл конструкциялари элементларининг мустаҳкамлигини ҳисоблашни;
- ёғоч ва пластмасса конструкцияларида қўлланиладиган асосий материалларнинг физик-механик хоссаларини;
- темирбетон ва металл конструкциялар учун рухсат этилган деформация ва кўчишларни аниқлашни;
- ёғоч ва пластмасса конструкцияларини чегаравий ҳолатлар усулида ҳисоблашни;
- ёғоч конструкциялари элементларини бириктириш усулларини;
- ёғоч фермалар ва уларнинг элементларини лойиҳалаш усулларини;
- темирбетон ва металл конструкциялари элементларининг бирикмалари, бириктириш усуллари ва уларни ҳисоблашни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- темирбетон ва металл конструкцияларига таъсир қилувчи юклар ва таъсирларни йиғиш;
- ясама тўсишларни лойиҳалаш, тўсин қурилмаси ва таянч қисмларини ҳисоблаш;
- панжарасимон устунларни лойиҳалаш, устуннинг каллаги ва негиз қисмини ҳисоблаш;
- саноат биносининг ёғоч конструкцияларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.3.9. Қурилиш жараёнлари ва ремонт ишлари технологияси фани бўйича Бакалавр:

- қурилиш жараёнлари технологияси фанининг мақсади ва вазифалари, унинг ихтисослик фанларини ўзлаштиришдаги аҳамияти;
- қурилиш жараёнларини бажаришнинг замонавий технологиялари;
- қурилишда технологик лойиҳалашнинг тугган ўрни ва технологик лойиҳаларнинг турлари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- қурилишда ишларни бажариш лойиҳасининг таркиби ва уни ишлаб чиқишнинг асосий қондаларини;
- қурилиш жараёнларини бажаришнинг тақвимий режаларини тузишни
- турли қурилиш жараёнлари учун технологик хариталарни ишлаб чиқишни;
- қурилиш жараёнларини бажаришда сифатни назорат қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш қондаларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*
- қурилиш жараёнларининг технологик хариталарини ишлаб чиқишда ишлар ҳажмини, сермеҳнатлигини ва машина вақти сарфини ҳисоблаш;
- қурилиш жараёнларини бажаришда қурилиш машиналарининг энг самарали комплектини ва уларнинг рационал ҳаракатланиш тархларини танлаш;
- қурилишда ишларни бажаришнинг турли рақобатбардош вариантларини ишлаб чиқиш ва ушбу вариантларни техник-иқтисодий қийслаш;
- барча турдаги қурилиш жараёнлари учун хавфсизлик техникаси талабларини бажариш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш *кўникмаларига эга бўлиши лозим.*

6.2.3.10. Инженерлик тармоқлари ва усқуналари фани бўйича

Бакалавр:

- иситиш тўғрисида умумий маълумотлар;
- марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимлари;
- биноларни сув билан таъминлаш тармоқлари ва жиҳозлари;
- бинолардаги совуқ сув билан таъминлаш тизимларида босимни кўтариш учун қўлланиладиган қурилмалар;
- биноларнинг оқова сув тармоқлари ва жиҳозлари;
- совитиш, шамоллатиш тизимлари, усқуналари;

– биноларни газ билан таъминлаш тармоклари ва жиҳозлари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

- марказий иситиш тизимининг иситиш ускуналарини;
- минтақа бўйича (зонали) сув таъминлаш тизимини;
- сув ўтказувчи қувурлар ва арматураларни;
- насос қурилмаларини;
- сантехника жиҳозларини;
- кондиционерлар турлари ва асосий техник тавсифларини;
- газлаштириш тизимларида ишлатиладиган қувурлар ва газ қувурларининг

ускуналарини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

- тўсик конструкциялар орқали иссиқлик йўқолишини ҳисоблаш;
- ички сув таъминоти тизимининг гидравлик ҳисоби;
- ички оқова сув тизимининг гидравлик ҳисоби;
- газ сарфини ўлчаш ва ҳисоблаш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.3.11. Кўчмас мулк иқтисодиёти фани бўйича

Бакалавр:

– кўчмас мулк ва кўчмас мулк объекти тушунчаларининг иқтисодий, юридик мазмун-моҳияти ва фаркли жиҳатлари;

– кўчмас мулк объектларининг ҳаётий цикли ва унинг босқичлари ҳамда кўчмас мулк объектларини таснифлашнинг асосий тамойиллари;

– кўчмас мулк бозори тушунчаси ва унинг асосий вазифалари, ривожланган кўчмас мулк бозорларида бўладиган қонунчилик асослари;

– кўчмас мулк бозори асосий секторлари, инфратузилмаси ва ундаги тадбиркорлик фаолияти турлари; миллий кўчмас мулк бозорининг ривожланиш босқичлари, кўчмас мулк бозори уй-жой секторигаги ўзгариш тенденциялари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

– кўчмас мулкнинг турар жой объектига характеристика беришни;

– кўчмас мулкни исталган объекти моҳиятини бойлик ёки даромад манбаи сифатида аниқлаш ва тушунтиришни;

– кўчмас мулк бозори ёки унинг алоҳида сегментларини тавсифлашни;

– кўчмас мулк бозори хусусиятларини тушунтириш ва аниқ бир кўчмас мулк бозори ёки унинг сегменти муваффақиятлари ва камчиликларини ажрата олишни;

– кўчмас мулк бозори субъектлари ва унда бўладиган жараёнларни характерлашни

билиши ва улардан фойдалана олиши;

– кўчмас мулк соҳасидаги махсус иқтисодий терминология ва лексикалар билан ишлаш;

– кондоминимумлар характеристикаси ва ҳаракати тўғрисидаги қонуний асослар ва ҳужжатларни ўрганиш, ҳамда улар билан ишлаш;

– кўчмас мулк бозори фаолияти ва уни ислоҳ этиш йўналишларини таҳлил қилиш;

– кўчмас мулк бозори ривожланиши учун ҳуқуқий асосларини эгаллаш

қўникмаларига эга бўлиши керак.

6.2.3.12. Тармоқ иқтисодиёти ва менежменти фани бўйича

Бакалавр:

– қурилиш тармоғининг республикамиз иқтисодиётида тутган ўрни ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти;

– капитал қурилишда баҳони шакллантириш сиёсати;

– давлат инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга ошириш;

– капитал қурилишда бошқарув ва ҳўжалик муносабатлари тизими;

– қурилиш ташкилотининг асосий фондлари ва айланма маблағлари;

– капитал қурилишда танлов савдолари ва шартномавий *жорий нархлар;*

- қурилишда баҳонинг шаклланиши ва уларнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар;
- қурилиш ишлаб чиқаришини концентрациялаш, ихтисослаштириш ва кооперациялаш;
- менежментнинг назарий ва амалий асослари, бошқарув муносабатлари, бошқарув қарорларининг аҳамияти, менежмент тизими **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- қурилишга йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини баҳолашни;
- қурилиш ташкилотида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш иқтисодийлигини;
- қурилишда нархларни шакллантириш усулларини;
- қурилиш объектлари қийматини экспертиза қилиш қонуниятлари ва асосларини;
- қурилиш ташкилотларида ресурслардан фойдаланиш ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш услубларини;
- қурилиш ҳажмини ҳисоблаш, маълумотларни компьютерга киритиш ва уни қайта ишлашни;
- қурилишда нархни шакллантиришнинг ҳуқуқий – меъёрий асосларини;
- қурилиш соҳасида баҳони шакллантиришнинг меъёрий асосларини;
- қурилишда тендер савдоларини ўтказиш қоидаларини;
- менежмент вазифалари ва функцияларини, бошқарув самарадорлигини ошириш усулларини, раҳбарлик услубларини, бошқариш усулларини, корхона ташкилий тузилмасини лойиҳалашни ва бошқарув самарадорлиги мезонлари ва кўрсаткичларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- қурилиш объектларига оид иқтисодий, статистик ва ҳисобот маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- қурилиш корхонаси молиявий хўжалик фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш;
- қурилиш корхоналари фаолиятининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва рентабеллигини аниқлаш;
- қурилиш материаллари турларини фарқлаш ва оптимал турини танлай билиши;
- объектлар смета қийматини шакллантириш ва қурилиш маҳсулотининг таннархини ҳисоблаш;
- қурилиш конструкцияларининг хусусиятларини, қурилиш технологиясини нарх шакллантириш жараёнида қўллаш билиши;
- қурилишда лойиҳавий ечимларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш;
- қурилишда тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш;
- бошқарув қарорларини қабул қилиш, ходимлар фаолиятини ташкил этиш, корхона ички ва ташқи муҳитларини таҳлил қилиш, низоли вазиятларни бошқара олиш, бошқарув самарадорлигини ошириш **қўникмаларига эга бўлиши лозим.**

6.2.3.13. Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит фани бўйича

Бакалавр:

- бухгалтерия ҳисобининг назарий, услубий ва ташкилий асослари;
- бухгалтерия ҳисобининг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлиги .
- ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш ва якунига баҳо бериш;
- кўрсаткичларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш ва фойдаланилмаган резервларни аниқлашда қўлланиладиган усуллари;
- корхона фаолиятида рўй берган иқтисодий вазиятни баҳолаш **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойилларини;

- корхона фаолияти ва у билан боғлиқ даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш усуллари;
- молиявий ҳисоботлар ва ички ҳисоботларнинг кўрсаткичлари ва уларнинг шаклланишини;
- ички ва ташқи фойдаланувчилар учун зарур маълумотларни;
- иқтисодий субъектларини тўғри бошқаришда таҳлилнинг ролини;
- иқтисодий таҳлил қилишнинг усуллари, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида иқтисодий таҳлил ишларини ташкил қилишни;
- иқтисодий таҳлилда фойдаланиладиган ахборот манбаларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган дастлабки ҳужжатларни қайта ишлаш ва уларни умумлаштиришни мустақил амалга ошириш;
- корхонада содир бўлган хўжалик муомалалари бўйича бухгалтерия ўтказмаларини тузиш ва счетларда акс эттириш;
- бухгалтерия ҳисоби счетларининг обороти ва қолдигини аниқлаш; молиявий ва бошқарув ҳисоботларини тузиш;
- таҳлил жараёнида керак бўладиган манбалар ҳажмини аниқлаш, тўплаш, уларнинг тўғрилигини текшириш, қайта ишлаш ва таҳлилга мослаштириш;
- таҳлил натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш;
- аудиторлик текширувларни режалаштириш;
- аудиторлик хулоса ва ҳисоботларини тайёрлаш *кўникмаларига эга бўлиши керак*.

6.2.3.14. Статистика фани бўйича

Бакалавр:

- статистиканинг назарий ва амалий масалалари;
- статистик кўрсаткичларнинг табиати, тузилиши ва ҳисоблаш тартиби;
- танланма кузатиш натижаларини баҳолаш ва бош тўпламга тарқатиш;
- динамика қаторларига хос асрий тенденцияларни аниқлаш, конъюнктуравий ва мавсумий тебранишларни баҳолаш;
- иқтисодий индексларни ҳисоблаш тартиби *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- мутлақ ва нисбий кўрсаткичларни, ўртача миқдорлар ва вариация кўрсаткичларини ўрганишни;
- регрессион-корреляцион таҳлил кўрсаткичларини ҳисоблашни;
- статистик кузатиш ҳужжатларини тузиш ва тўлдириш йўлларини;
- танланма кузатиш моҳиятини, уни қўллаш сабаблари ва афзалликларини аниқлашни;
- ижтимоий-иқтисодий ходисалар ўртасидаги ўзаро боғланишлар ўрганиш услубиятини;
- динамика қаторлари ва турларини аниқлаш, баланс усулининг моҳияти ва унинг ижтимоий-иқтисодий ходисаларини статистик ўрганишни; бозор иқтисодиёти шароитида статистиканинг асосий вазифаларини билиш *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- статистик масалаларни ечиш, ахборотларга ишлов бериш ва сақлашда компьютерни қўллаш;
- соддароқ масалалар устида статистик кузатишни ташкил этиш;
- статистик жадвал ва графикларни тушунарли ва жозибали қилиб тузиш;
- турли статистик адабиётлардан фойдаланиб маърузалар тайёрлаш;
- гуруҳлаш турлари, статистик таснифлаш ва унинг ўзига хос хусусиятларини талқин қилиш;
- МХТнинг асосий ҳисобламаларини тузиш ва уларнинг кўрсаткичларини аниқлаш бўйича *аниқ кўникмаларига эга бўлиши керак*.

6.2.3.15. Метрология, стандартлаштириш, сертификациялаштириш ва сифат назорати фани бўйича

Бакалавр:

- Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатувчи давлат метрология назорати ва давлат стандартлаштириш тизими;
- қурилишда метрология, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва сифат назоратининг моҳияти ва аҳамияти;
- маҳсулотни давлат томонидан аттестациялаш ва сертификатлаш тизими *хақида тасаввурга эга бўлиши*;
- Ўзбекистон Республикасида метрология, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва сифат назоратига оид қонунлар ва амал қилувчи меъёрий ҳужжатларни;
- метрология фанининг мақсади, вазифалари, асосий тушунчалари, таърифлари ва усулларини;
- ўлчаш воситаларини текширувдан ўтказиш, тузатиш ва сертификатлаш қоидаларини;
- маҳсулот сифатини баҳолаш усулларини;
- маҳсулот сифатини таъминлаш ва стандартлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- қурилиш маҳсулоти сифатининг кўрсаткичларини аниқлаш ва баҳолаш;
- лойиҳалаш-қидирув ишларини бажариш, қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш ва қурилиш-монтаж ишларини бажаришда қўлланиладиган ўлчов асбобларидан фойдаланиш;
- қурилишда стандартлаштиришнинг техник-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;
- қурилиш объектларида метрологик таъминотни талаб даражасида йўлга қўйиш *қўникмаларига эга бўлиши лозим*.

6.2.3.16. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фани бўйича

Бакалавр:

- меҳнат физиологияси асослари ва ҳаёт фаолияти қулай шароитлари;
- антропоген омилларнинг объектлари;
- техникавий тизимлар хавфсизлиги ва экологияси;
- фавқулодда ҳолатлар шароитидаги хавфсизлик *хақида тасаввурга эга бўлиши*;
- меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгин хавфсизлиги бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосларини;
- меҳнат психофизиологияси асосларини, инсон танаси антропометрик ва анатомик кўрсаткичларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- меҳнат жараёнида инсон саломатлигини ва ишга лаёқатлилигини сақлаш, хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора ва тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича;
- мутахассисларга ишлаб чиқаришдаги меҳнат хавфсизлигига оид талабларни ишлаб чиқиш бўйича *қўникмаларига эга бўлиши керак*.

6.2.4. Ихтисослик фанлари бўйича талаблар

6.2.4.1. Кўчмас мулкдан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш фани бўйича

Бакалавр:

- тармоқ ва миллий иқтисодиёт ривожланишининг замонавий йўналишлари ва қонуниятлари ҳамда уларни бозор муносабатига ўтказиш тамойиллари;
- кўчмас мулкни яратиш, ривожлантириш ва эксплуатация қилиш тушунчаларининг моҳияти ва аҳамияти;
- кўчмас мулкдан фойдаланишни ташкил этишнинг аҳамияти;
- кўчмас мулкни бошқариш асослари;
- кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар, турлари ва шакллари;

- Республикада мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- кўчмас мулк объектлари ва улардан фойдаланишни ташкил этишнинг илмий-назарий масалларини;
- бошқарувнинг бошқа тармоқлар билан алоқасини ҳамда ушбу алоқаларнинг иқтисодиёт ва бошқарувнинг кўрсаткичларига таъсирини аниқлашни;
- мулкый мажмуанинг таркиби ва уни бошқариш тизимини ташкил этишни;
- инвестициялаш ва кўчмас мулкни бошқариш соҳасидаги давлатнинг замонавий сифатини олиб бориш;
- кўчмас мулк объектларини қўлланиш соҳасига кўра ажрата олишни;
- кўчмас мулкдан тўғри фойдаланишни ташкил этишни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- кўчмас мулкнинг турли объектлари ва уларнинг оптимал эксплуатациясини баҳолаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш;
- мулкый мажмуа ва улар таркибидаги кўчмас мулк объектларидан оқилона фойдаланиш;
- кўчмас мулк объектларининг эксплуатацияси билан боғлиқ харажатларни камайтириш масалаларини ҳал этиш;
- кўчмас мулк объектларини бошқаришнинг турли хил кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва баҳолаш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.4.2. Бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини баҳолаш фани бўйича

Бакалавр:

- бино ва иншоотлар конструкцияларига таъсир қиладиган факторлар, уларнинг таснифланиши;
- конструкцияда пайдо бўладиган турли хилдаги талофот ҳолатлари: шикастланиш, бузилиш, оғиш, деформацияланиш, авария ҳолатларининг турларини, уларнинг келиб чиқиши сабабларини, бунда биноларнинг табиий (физик) емирилиши;
- емирилиш турлари ва уларни аниқлаш усуллари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- бино конструкцияларининг меъёрий ва ҳақиқий хизмат даврлари, бинонинг қолдиқ хизмат даврлари;
- бинонинг сифат кўрсаткичлари - унинг ишончлилиги ва умрбоқийлиги масалалари;
- техник диагностика, кузатув-текширув ишларида иштирок этиш;
- бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини баҳолашнинг асосий тушунчалари, терминлари ва қоидалари, бунда меъёр ва қоидаларни ҳисобга ола билиш, қурилиш меъёрларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- бино конструкциясининг техник ҳолатини таҳлил қилиш, ишончлилиги ва юк кўтариш қобилиятини баҳолаш;
- бинони текшириш бўйича техник хулоса тайёрлаш;
- бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини баҳолаш бўйича *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.4.3. Уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодиёти ва бошқаруви фани бўйича

Бакалавр:

- коммунал хўжалиги соҳасининг жамиятдаги роли ва унинг ривожланиш тарихи;
- республикада уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини ислоҳ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари;
- коммунал хўжалиги тизимининг ташкилий тузулиши ва таркиби;
- бино ва иншоотларнинг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари фаолиятига ихтисослашуви ва тармоқ хусусиятлари;
- коммунал хўжалиги корхоналарини ҳудудда жойлаштириш ва уларнинг минтақавий хусусиятлари;

- хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва вазифалари;
- уй-жой, коммунал хизмат кўрсатишда ягона буюртмачи хизмативапрофессионал бошқарув компанияларининг ўрни ва аҳамияти *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- аҳолининг коммунал хизматлардан фойдаланиш меъёрлари ва уларни ҳисоблаш услубларини;
- сув таъминоти ва иссиқлик етказиб берувчи корхоналарда технологик сарфлар ва йўқолишларини ҳисоблашни;
- истеъмолчиларга сув, иссиқлик энергияси, табиий газ, электр энергияси етказиб бериш бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизимини;
- хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатини молиявий-иқтисодий фаолияти меъёрий ҳужжатларини;
- биноларни янгидан жиҳозлаш ва сервисни ташкил этишнинг меъёрий асосларини;
- биноларни таъмирлаш жараёнида бажарилган ишлар ҳажми ва сифатини назорат қилиш меъёрларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- аҳолининг фойдаланган коммунал хизматлари учун ҳисоб-китобни ташкил этиш;
- коммунал хўжалиги корхоналарида асосий фондларни капитал таъмирлаш ишларини ташкил этиш ва молиялаштириш;
- коммунал хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятини режалаштириш;
- етказиб берилган ресурслар ва энергия учун хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал хўжалиги ташкилотлари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва профессионал бошқарув компаниялари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш *кўникмаларига эга бўлиши керак*;

6.2.4.4. Кўчмас мулкни баҳолаш фани бўйича

Бакалавр:

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида мулкний муносабатларнинг таркиби;
- мамлакатда мулкний муносабатларни ривожлантириш бўйича мавжуд қонунлар ва қонуниятлар;
- бозор иқтисодиёти шароитида кўчмас мулкни баҳолашнинг мақсади ва тамойиллари;
- кўчмас мулкни баҳолашга оид иқтисодий категорияларнинг моҳияти;
- бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат иқтисодиётида мулкни баҳолаш бўйича мавжуд муаммолар ва уларни ечимини топиш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- кўчмас мулкни баҳосини шакллантириш бўйича иқтисодий қонунларнинг амал қилиш хусусиятларини;
- кўчмас мулкни турли мақсадларда баҳолашнинг тартиб-қоидаларини;
- кўчмас мулкни баҳолашнинг босқичлари ҳамда баҳолаш жараёнларини;
- кўчмас мулкни баҳолаш ёндошувлари ва усулларини;
- баҳоловчиларнинг фаолияти сифатини аниқлашдаги ички назорат тартиб қоидаларига қўйиладиган талабларни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- мамлакат кўчмас мулк бозорининг таркиби ва унинг ривожланиб бориш қонуниятлари;
- қурилиш объектлари таннархини ҳисоблай олиши ва барча турдаги кўчмас мулкни баҳолай билиш, объектларнинг ижтимоий-экологик кўрсаткичларини шакллантириш ва таҳлил қилиш;
- объектларга оид иқтисодий, статистик ва ҳисобот маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

- мажмуада бозор муаммолари бўйича асосий иқтисодий талабларни шакллантира олиш;
- ривожланган давлатларда қурилиш объектлари баҳосини *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.3. Танлов фанлари бўйича бакалаврларнинг билим, малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

7. Таълим дастурларининг мазмуни ва компонентлари

7.1. 5340900 – *Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш* таълим йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашнинг таълим дастури таълимнинг кундузги шакли бўйича 4 йил ўқишга мўлжалланган бўлиб, қуйидаги вақт таксимотига эга:

| | |
|-----------------|------------------|
| Назарий таълим | 136 ҳафта |
| Аттестация | 19 ҳафта |
| Таътил | 31 ҳафта |
| Малака амалиёти | 13 ҳафта |
| Битирув иши | 5 ҳафта |
| Жами | 204 ҳафта |

7.2. Талаба ҳафталик ўқув юкласининг максимал ҳажми 54 соат, шундан аудиториядаги ўқув юкласи – 32 соат, қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

7.3. Жорий, оралик ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда таълим дастурининг умумий ҳажми 4 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

7.4. Таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар ёки фан муаммолари бўйича талабаларнинг мустақил таълими кўзда тутилади.

7.5. 5340900 – *Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш* бакалаврият таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг зарурий мазмуни ва компонентлари

7.5.1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки мазмуни ва компонентлари

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларнинг зарурий мазмуни ва компонентлари «Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар» блоки бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

7.5.2. Математик ва табиий-илмий фанлар блоки мазмуни ва компонентлари

7.5.2.1. Олий математика:

алгебра: асосий алгебраик тузилмалар, айрим векторли фазовий ва чизикли инфодалар, Буль алгебраси; геометрия: аналитик геометрия, кўп ўлчамли Евклид геометрияси, чизиклар ва сиртларнинг дифференциал геометрияси, топология элементлари; дискрет математика: мантикий ҳисоблашлар, графиклар, алгоритмлар назарияси; таҳлил: дифференциал ва интеграл ҳисоблаш, функция назарияси ва функционал таҳлил элементлари, комплекс ўзгарувчилар функциялари назарияси, дифференциал тенгламалар; эҳтимоллик назарияси ва статистика: эҳтимоллик назариясининг математик асослари, тасодифий жараёнларнинг моделлари, фаразларни текшириш, юқори тартиб ўхшатишлар тамойили, экспериментал маълумотларга ишлов беришнинг статистик усуллари.

7.5.2.2. Информатика ва ахборот технологиялари:

ахборот тушунчаси ва унинг моҳияти; замонавий информатика ва ахборот технологиялари тушунчаси; информатиканинг асоси ва унинг замон тараққиётидаги аҳамияти; ахборот, ахборотлаштириш; ахборотларнинг ўлчов бирликлари; ахборотларни йиғиш, сақлаш, узатиш ва қайта ишлаш технологиялари; компьютер – информатиканинг техник асоси; компьютернинг дастурий таъминоти; алгоритмлаш асослари; информацион жараёнларни амалга оширишни техникавий ва дастурий воситалари; функционал ва ҳисоблаш масалаларини ечиш моделлари; алгоритмлаш ва дастурлаш, юқори даражали дастурлаш тиллари; маълумотлар базаси; дастурий таъминот ва дастурлаш технологияси; компьютер графикаси асослари.

7.5.2.3. Физика:

механиканинг физик асослари: классик механикада ҳолат тушунчаси, ҳаракат қонунлари, сақланиш қонунлари, релятив механика асослари, механикада нисбийлик тамойили, қаттиқ жисм, суюқлик ва газлар кинематикаси ва динамикаси;

электр ва магнетизм: вакуумда ва моддада электростатика ва магнетостатика, интеграл ва дифференциал кўринишдаги Максвелл тенгламалари, моддий тенгламалар, квазистационар тоқлар, электродинамикада нисбийлик тамойили;

тебраниш ва тўлқинлар физикаси: гармоник ва ногармоник осциллятор, спектрал ёйилманинг физикавий маъноси, тўлқин жараёнлари кинематикаси, тўлқинлар интерференцияси ва дифракцияси, Фурье оптикиси элементлари;

квант физикаси: корпускуляр-тўлқин дуализми, ноаниклик тамойили, квант ҳолатлари, суперпозиция тамойили, ҳаракатнинг квант тенгламалари, физикавий катталиқлар операторлари, атомлар ва молекулаларнинг энергетик спектри, кимёвий боғланиш табиати;

статистик физика ва термодинамика: термодинамиканинг уч қонуни, ҳолатнинг термодинамик функциялари, фазовий мувозанатлар ва фазовий ўзгаришлар, мувозанатсиз термодинамика элементлари, классик ва квант статикаси, кинетик ҳодисалар, зарядланган зарралар тизимлари, конденсациялашган ҳолат.

7.5.2.4. Назарий механика:

статика: статика аксиомалари, (бир нуктада) кесишувчи кучлар тизими, жуфт кучлар назарияси, куч моменти, эркин жойлашган кучлар тизими, массалар маркази;

кинематика: нукта кинематикаси (нукта ҳаракати берилишининг усуллари, нукта тезлиги ва тезланиши), нуктанинг мураккаб ҳаракати, қаттиқ жисм кинематикаси (қаттиқ жисмнинг оддий, текис ва сферик ҳаракати), қаттиқ жисмнинг мураккаб ҳаракати;

динамика: нукта динамикаси, инерцион ва ноинерцион ҳисоб тизимларида нукта ҳаракатининг дифференциал тенгламалари, қаттиқ жисм динамикаси (илгарилама-қайтма, текис ва айланма ҳаракатларнинг динамик тенгламалари, Эйлернинг динамика ва кинематика тенгламалари, Даламбер тамойили, динамик реакциялар), аналитик механика асослари (динамиканинг умумий тенгламаси, эҳтимолий силжиш тамойили, Лагранж тенгламаси), механик тизимлар тебранишлари ва турғунлиги.

7.5.2.5. Кимё:

умумий кимё фанининг моҳияти, унинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги, аҳамияти, материя, модда, атом, молекула ва кимёвий элемент тўғрисидаги тушунчалар, атом-молекуляр таълимот; кимё фанининг асосий қонунлари; идеал газ қонунлари; атом тузилиши, атомнинг ядро модели; атом тузилиши ҳақида классик таълимот; Н.Бор постулатлари; атом ядросининг тузилиши; изотоп ва изобарлар; ядро энергиясидан фойдаланиш; квант механикаси ҳақида тушунча; Паули принципи; Хунд ва Клечковский қоидалари, уларни атом орбиталарини электронлар билан тўлиб боришида қўлланилиши; Д.И.Менделевнинг даврий қонуни ва элементлар даврий тизими; кимёвий боғланиш; кимёвий кинетика ва кимёвий мувозанат; эритмалар; оксидланиш қайтарилиш реакциялари; гуруҳ элементлари.

7.5.2.6. Экология:

биосфера ва инсон: биосферанинг тузилмаси, экологик тизимлар, муҳит ва организмларнинг ўзаро муносабати, экология ва инсон саломатлиги, атроф-муҳитнинг глобал муаммолари;

табиатдан фойдаланиш: табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва табиат муҳофазасининг экологик тамойиллари, табиатдан тежаб-тергаб фойдаланиш асослари, экологик ҳимоя техникаси ва технологияси, экологик ҳуқуқ асослари ва касбий масъулият, атроф-муҳит соҳасида халқаро ҳамкорлик.

7.5.3. Умумқасбий фаилар блоки мазмуни ва компонентлари**7.5.3.1. Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси:**

чизма геометрия: фазовий шаклларни текисликда тасвирлашнинг проекциялар усули; нуқта, тўғри чизик ва текисликларнинг ўзаро тегишлигига оид масалалар, масалани ечиш алгоритмлари; ўлчамли аниқланадиган (метрик) масалалар; ортогонал проекцияларни қайта тузиш усуллари; кўпёкликлар, кўпёқлиларни текислик ва тўғри чизиклар билан кесишуви; эгри чизиклар; сиртлар; айланиш сиртлари; чизикли сиртлар; винтли сиртлар; циклик сиртлар; сиртдаги нуқталар ва чизиклар, сиртларнинг кесишуви, ёйилма, умумлашган позицион масалалар; аксонометрик проекциялар;

муҳандислик графикаси: стандартлашнинг давлат тизими, конструкторлик ҳужжатларининг мажмуи; давлат стандартлари; форматлар; масштаблар; чизиклар; шрифтлар; деталларга ўлчамлар қўйиш усуллари ва белгилари; геометрик моделлаштириш асослари, проекциялар ва проекциялаш турлари, комплекс чизма, чизмани қайта ҳосил қилиш, тасвирлар (кўринишлар, қирқимлар, кесимлар), аксонометрик тасвирлар, деталларнинг чизмалари ва эскизлари, чизма бўйича ўқиш ва деталлаштириш, ажраладиган (резьбали, шлицали, шпонкали) ва ажралмайдиган бирикмалар; қурилиш чизмалари (план, фасад, ён фасад қирқими; ёғоч, темир-бетон ва темир конструкциялари).

компьютер графикаси: компьютер графикасига кириш; растр ва вектор графикаси; техник таъминот; дастурий таъминот; AutoCAD график дастури; ишчи стол; менюлар; график примитивлар; чизиклар чизиш; абсолют, нисбий, кутбий ва цилиндрлик координаталар; айланалар, ёйлар ва эллипслар чизиш; кўпёкликлар, халкалар ва бўялган доираларни кўриш; муҳаррирлик воситалари: ўчириш, ўрин алмаштириш ва нусха олиш буйруқлари; мураккаб муҳаррирлик; матнини расм ичига жойлаштириш; шрифтлар; қатламлар бўйича бўлиниш; чизик турларининг рангини ишлатиш; масштабни сошлаш ва чизма босмасини олиш; уч ўлчамли моделлаш; уч ўлчамли проекцияда кўриш нуқтасини танлаш; планда кўринишни ўрнатиш; камера ўрнатиш; уч ўлчамли ясашлар; қаттик жисмли объектларга материал бериш ва муҳаррирлаш; ёруғлик манбаларни ўрнатиш; фон яратиш; рендерлаш; расм файлларига ўтказиш ва нашр этиш.

7.5.3.2. Материаллар қаршилиги:

материаллар қаршилиги фанининг мақсади ва вазифалари; конструкция элементлари ва уларнинг ҳисоблаш схемаси; ташки юклар ва уларнинг турлари; материаллар қаршилигида қабул қилинган гипотезалар (фаразлар); ички кучларни аниқлаш; кесиш усули; кучланиш ва унинг турлари;

чўзилиш ва сиқилиш; бўйлама куч; бўйлама ва кўндаланг деформациялар; Гук қонуни; стержень кўндаланг кесимидаги кучланишлар; намуналарни синаш орқали механик хусусиятларини аниқлаш; чўзилиш ва сиқилиш диаграммаси; стерженнинг хусусий огирлиги; чўзилиш ва сиқилишга ишлайдиган стерженларни мустаҳкамликка ҳисоблаш; чўзилиш ва сиқилишда статик ноаниқ масалалар;

силжиш; соф силжиш; силжишдаги деформациялар; силжишда Гук қонуни; силжиш ва чўзилиш (сиқилиш) даги эластиклик модулларининг ўзаро муносабатлари;

текис кесимларнинг геометрик характеристикалари; текис кесим юзасининг статик моментлари; кесимнинг ўқларга нисбатан инерция моментлари; кутб ва марказдан қочма инерция моментлари; оддий кесимларнинг инерция моментлари; текис кесим юзасининг

марказий ўқларига параллел ўқларга нисбатан инерция моментлари; координата ўқлари бурилганда инерция моментларининг ўзгариши; бош инерция моментлари; бош инерция ўқлари; мураккаб кесимнинг инерция моментларини аниқлаш;

буралиш; буровчи момент ва унинг эпюрасини чизиш; доиравий кўндаланг кесимли стерженнинг буралиши;

эгилиш; асосий тушунчалар; эгилишдаги ички кучлар; эгувчи момент, кўндаланг куч ва тарқалган куч интенсивлиги орасидаги дифференциал боғланишлар; соф тўғри эгилиш; нормал кучланишларни аниқлаш; балканинг нормал кучланиш бўйича мустаҳкамлик шarti; балкани эгилишдаги мустаҳкамликка ҳисоблаш; тўғри эгилиш; уринма кучланишларни аниқлаш; балканинг уринма кучланишлар бўйича мустаҳкамлик шarti; балканинг эгилишдаги кўчишларини аниқлаш; асосий тушунчалар; балка эгилган ўқининг дифференциал тенгламаси; балканинг кўчишларини бевосита интеграллаш усули билан аниқлаш; балканинг кўчишларини бошланғич параметрлар усули билан аниқлаш; балканинг бикрлик шarti;

мураккаб қаршилиқ; қийшиқ эгилиш; қийшиқ эгилишда кучланишларни аниқлаш; қийшиқ эгилишда балканинг кўндаланг кесими нейтрал ўқининг ҳолатини аниқлаш; номарказий сиқилиш ва чўзилиш; нормал кучланишларни аниқлаш; нормал кучланишлар эпюраси; нейтрал ўқнинг ҳолатини аниқлаш; кесим ядроси;

сиқилган стерженнинг устиворлиги; асосий тушунчалар; бўйлама эгилиш; критик кучни аниқлашнинг Эйлер формуласи; стержень учлари маҳкамланиш турларининг критик куч қийматига таъсири; Эйлер формуласининг қўлланилиш чегараси.

7.5.3.3. Қурилиш механикаси:

қурилиш механикаси фанининг аҳамияти; бино ва иншоотларнинг ҳисоблаш схемаси ва уларнинг турлари; бино ва иншоотларнинг кинематик анализи;

кўп ораликли статик аниқ балкалар; кўп ораликли статик аниқ балкаларни ҳисоблаш.

таъсир чизиклар назарияси; ҳаракатланувчи юкларга ҳисоблаш ҳақида тушунча; таянч реакциясининг таъсир чизиклари; оддий балка зўриқишларининг таъсир чизиклари; таъсир чизиклари ёрдамида зўриқишларни аниқлаш; кўп ораликли статик балка зўриқишларининг таъсир чизиклари;

статик аниқ текис фермалар; ферма турлари; текис фермаларни доимий юклар таъсирига ҳисоблаш; тугунни ажратиш усули; момент нуқтаси усули; проекция усули; ферма стерженлари зўриқишларининг таъсир чизиклари;

уч шарнирли системалар; таянч реакцияларини аниқлаш; уч шарнирли аркаларни доимий юклар таъсирига ҳисоблаш; арка ўқининг рационал шаклини танлаш; уч шарнирли арканинг таянч реакцияси ва зўриқишларининг таъсир чизиклари;

эластик тизимларда кўчишларни аниқлаш; кўчишларни аниқлашнинг умумий формуласи; кўчишларни аниқлашнинг Верещчагин усули;

статик ноаниқ тизимлар; статик ноаниқлик даражаси; статик ноаниқ тизимларни ҳисоблаш усуллари;

статик ноаниқ рамаларни куч усулида ҳисоблаш; куч усулининг асосий тизимини танлаш; куч усулининг каноник тенгламаси; натижавий эгувчи момент эпюрасини чизиш; кўндаланг ва бўйлама куч эпюраларини чизиш;

статик ноаниқ рамани кўчиш усулида ҳисоблаш; кинематик ноаниқлик даражаси; кўчиш усулининг асосий тизимини танлаш; кўчиш усулининг каноник тенгламалари; бирлик ва ташқи кучлардан ҳосил бўлган эпюраларни чизиш; реактив реакцияларни статик усулда аниқлаш; натижавий эгувчи момент, кўндаланг ва бўйлама куч эпюраларини чизиш;

узлуксиз балкалар; узлуксиз балкаларни куч усулида ҳисоблаш; узлуксиз балкаларни уч моментлар тенгламаси ёрдамида ҳисоблаш; узлуксиз балкаларни момент фокуслари усулида ҳисоблаш.

7.5.3.4. Инженерлик геодезияси:

ернинг шакли ва катталиги ҳақида тушунча; геодезик тармоқлар; давлат геодезик тармоқлари: геодезик режа олишнинг асоси ва уни куриш усуллари; режага олиш асослари; режали ва баландлик режа олиш асослари, режага олишнинг турлари: горизонтал, вертикал ва топографик режага олиш; GPS тизимлари, DGPS таянч станциялари; топографик харита ва режалар: харита ва режа тушунчаси; геодезик ориентирлаш тушунчаси; ўлчаш хатолари назарияси ҳақида бошланғич маълумот; юза ўлчаш, жойдаги ҳудуд юзасини аниқлаш; юза ҳисоблаш аниқлиги; жойда масофа ўлчаш: нивелирлаш, нивелирлаш моҳияти ва усуллари: геометрик нивелирлаш: нивелирлар ва нивелирлаш рейкаларининг турлари, уларнинг тузилиши, нивелир ва нивелирлаш рейкаларини текшириш ва сошлаш; тригонометрик нивелирлаш: тригонометрик нивелирлашнинг моҳияти ва унда қўлланадиган асбоблар; техникавий нивелирлаш, бўйлама техникавий нивелирлашда иш тартиби, нивелирлаш йўли, рекогносцировка қилиш; дала ўлчашлари, ўлчаш журналани тўлдириш ва текшириш, майдон нивелирлашни бажариш усуллари; теодолит билан режага олиш, теодолит йўллари ва уларни геодезик таянч тармоқ пунктларига боғлаш; тахеометрик режага олиш.

7.5.3.5. Қурилиш материаллари ва буюмлари:

қурилиш материалларининг асосий хоссалари, материалнинг хоссаларини аниқлаш, қурилиш материалларининг тадқиқотлари, материал нано, микро ва макро структуралари ва хоссалари, материал мустаҳкамлигини бузмасдан синаш усуллари, табиий тош материаллари, тоғ жинси минераллари; тоғ жинсларининг отилиб чиққан, чўкинди ва метаморфик турлари, қурилишда табиий тошлардан фойдаланиш; қурилиш керамикаси, ишлаб чиқаришнинг энергия тежамкор технологиялари; шиша турлари ва қурилишда қўлланиладиган шиша буюмлар, ноорганик боғловчи моддалар, ҳавойи боғловчи моддалар таснифи, қурилиш оҳаги, минерал боғловчи моддалар қотиши жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, портландцемент, цементнинг кимёвий ва минералогик таркиби, портландцемент олиш энергия тежамкор технологияси, қурилишда ишлатиладиган цемент турлари; бетонлар, таснифланиши, оддий оғир бетон, бетонларни тайёрлаш учун материаллар, бетон қоришмаси ва бетоннинг хоссалари; енгил ва ячейкали бетонлар, маҳсус бетонлар – гидротехник, йўл қурилиши, оловбардош бетонлар ва бошқалар, енгил тўлдирувчилар сифатини ошириш усуллари ва маҳаллий ҳом ашё асосидаги тўлдиригичлар - керамзит, вермикулит, аглопорит, перлит ва бошқалар, қурилиш қоришмалари, таснифи, қоришма хоссалари; қоришма турлари; автоклавда қотадиган силикат буюмлар; ҳарорат ва босим таъсиридаги оҳакли-кремнезем композициялар; ёғочли қурилиш буюмлари, акустик ва иссиқлик изоляцияловчи материаллар, органик боғловчи моддалар ва улар асосидаги материаллар; полимер қурилиш материаллари; қурилиш учун пластмасса буюм турлари; лок-бўёқ материаллари, боғловчи пигментлар ва бошқа таркибий қисмлар; саноат ва қишлоқ хўжалик чиқиндилари, улардан қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш; металл, пўлатлар ва қотишмалар, таснифланиши, маркалаш, пайвадлаш технологияси, арматурали пўлат ва уларни таранглаштириш усуллари.

7.5.3.6. Архитектура:

архитектура фанининг моҳияти, тушунчалари ва масалалари, архитектура-қурилиш лойиҳалаш асослари, бинолар тўғрисида тушунча, биноларга қўйиладиган талаблар ва уларнинг таснифи, қурилишда типлаштириш, бирхиллаштириш ва стандартлаштириш, ягона модуль тизими; лойиҳавий ва конструктив ечимлар, биноларнинг асосий конструктив элементлари, биноларнинг конструктив тизими ва чизмалари; қурилиш тизимларини танлаш ва асослаш, горизонтал ва вертикал юк кўтарувчи конструкциялар, биноларини лойиҳалаш меъёрлари ва қоидалари, ҳажмий-режалашга оид ечимларга қўйилган талаблар; ёнғинга ва zilзилага қарши шаҳарсозлик талаблари; хонадонларни лойиҳалаш меъёрлари, кам қаватли, кўп қаватли ва баланд бинолар; жамоат биноларини лойиҳалаш меъёрлари ва қоидалари, таснифланиши; жамоат биноларининг асосий, замин ва пойдеворлар, деворлар ва алоҳида таянчлар, ораёпмалар ва поллар, пардеворлар, дераза ва эшиклар; том ёпмалар, зиналар ва пандуслар; йириқ блокли бинолар, уларнинг

конструктив чизмалари ва турлари; йирик панелли бинолар, деворий панелларнинг конструктив чизмалари, деворий панелларнинг уланиш жойлари, синч-панелли бинолар, тайёр хоналардан қурилган ҳажм блокли бинолар, ҳажмий блок турлари, ҳажмий блоklarнинг конструктив ечими, яхлит бетонли бинолар, яхлит бетонли биноларнинг конструктив чизмалари, биноларнинг муҳандислик-техник жиҳозлари, эскалаторлар, зал хоналарининг ёпмалари, ром ва равоқ қурилмалари, лойиҳалашда қурилиш ҳудуди иклимий параметрлари; бинолар ташқи химоя қурилмаларига энергия самарадорлик бўйича қўйиладиган талабалар; иссиқлик техникаси, акустика ва ёруғлик техникасининг асослари, ташқи химоя қурилмаларининг иссиқлик техник ҳисоби, қурилмаларнинг намлик ҳолати, қурилишда товушдан ҳимоялаш асослари, қурилиш ёруғлик техникаси, хоналарнинг табиий ёритиш тизимлари ва ҳисоби.

7.5.3.7. Грунтлар механикаси, замин ва пойдеворлар:

тоғ жинслари ва грунтлар ҳақида умумий маълумотлар; грунтнинг турлари; грунтлар механикасининг махсус қонунлари; грунтларнинг физик - механик хоссалари, уларни аниқлаш ва ҳисоблаш усуллари; грунт қатлами бўйлаб зуриқишнинг тарқалиши қонуниятлари; ташқи юк таъсирида грунтнинг зичлашувини аниқлаш усуллари ва уларнинг моҳияти; грунт зичлашуви ҳақидаги консолидация назарияси; ташқи юк таъсирида грунтнинг мустаҳкамлиги; грунтдан сув сизиш қонуниятлари ва консолидация шароитида грунт мустаҳкамлигини ўзгариши; лесс ва лессимон грунтлар механикаси; иншоот чўкишини аниқлаш усуллари; чўкишнинг давомийлиги; ўта чўқувчан грунтлар ва уларнинг хусусиятлари; қияликлар ва тиргович деворлар турғунлигини ҳисоблаш асослари; грунтли иншоотлар барпо этиш, улар мустаҳкамлиги ва турғунлигини таъминлаш асослари; зилзилабардош грунтлар;

пойдевор лойиҳалаш учун зарур маълумотлар; замин ва пойдеворларни ҳисоблашдаги чегаравий ҳолатлар; замин ва пойдеворлар турлари; сайёз пойдеворлар ва уларнинг турлари; сайёз пойдеворларнинг лойиҳалаш асослари; сайёз пойдеворларнинг ҳисоблаш усуллари; марказий ва номарказий юкланган пойдеворлар ўлчамларини аниқлаш усуллари; пойдевор турғунлигини ҳисоблаш; пойдевор чўкишини ҳисоблаш усуллари; қозикли пойдеворлар ва уларнинг турлари; қозикли пойдеворларни лойиҳалаш асослари; қозикли пойдеворларнинг ҳисоблаш усуллари; чуқур жойлашган пойдеворлар ва уларнинг турлари ва кулланиш шароитлари; пастлашувчи кудуклар ва уларни ўрнатиш технологияси; паслашувчи кудукларни лойиҳалаш ва ҳисоблаш усуллари; юпка қобикли пойдеворлар ва уларни ўрнатиш технологияси; кессон пойдеворлар ва уларнинг қурилмалари; иншоот заминидаги бўш грунтларни зичлаш ва қотириш усуллари; ўта чўқувчан грунтларда пойдевор лойиҳалаш асослари; зилзилабардош заминлар ва пойдеворлар; замин ва пойдеворлар таъмирлаш асослари.

7.5.3.8. Қурилиш конструкциялари:

қурилиш конструкцияларини лойиҳалаш асослари; қурилиш конструкцияларини ҳисоблашнинг мақсади ва вазифалари;

темирбетоннинг моҳияти; бетоннинг физик-механик хоссалари; арматуранинг физик-механик хоссалари, тавсифи; бетон ва арматуранинг меъёрий ва ҳисобий қаршиликлари; темирбетон конструкцияларини чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш; темирбетон конструкцияларининг кучланиш-деформацияланиш ҳолатининг уч босқичи; олдиндан зўриқтирилган темирбетон моҳияти; эгилишга ишлайдиган темирбетон конструкциялари тўғрисида умумий тушунчалар; эгилишга ишлайдиган темирбетон конструкцияларини нормал кесимлар бўйича ҳисоблаш; эгилишга ишлайдиган темирбетон конструкцияларини оғма кесимлар бўйича ҳисоблаш; сиқилишга ишлайдиган темирбетон конструкциялари тўғрисида умумий тушунчалар ва уларни ҳисоблаш;

металл конструкцияларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ишлатилиш соҳалари; юклар ва таъсирлар; металл конструкцияларда ишлатиладиган материалларнинг асосий хусусиятлари; пўлатнинг статик юк остида ишлаши; металл конструкцияларни чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш; эгилишга ишлайдиган элементларни ҳисоблаш; марказий

чўзилган, сиқилган элементларни ҳисоблаш; сортамент профилларни асосий тафсифномаси; металл конструкциялар бирикмалари; пайвандлаш усуллари; пайванд бирикмаларнинг хиллари; пайванд бирикмаларни ҳисоблаш; болтли ва парчин михли бирикмалар; металл тўсинлар ва тўсинли конструкциялар; металл устулар ва уларнинг бош, стержен ва асос қисмлари; металл фермалар;

ёғоч конструкциялар ҳақида умумий маълумотлар; ёғоч конструкция материалларининг физик-механик хоссалари; ёғоч конструкцияларини ҳисоблаш асослари; ёғоч конструкцияларининг бирикмалари; ёғоч тўсинлар, рамалар, равоқлар ва фермалар тўғрисида умумий маълумотлар.

7.5.3.9. Қурилиш жараёнлари ва ремонт ишлари технологияси:

қурилиш жараёнлари технологияси бўйича асосий тушунчалар ва қондалар; қурилиш технологияларини лойihalash; қурилиш майдонининг муҳандислик тайёргарлиги: грунтга ишлов бериш технологияси; пойдеворларни қуриш технологияси; гишт-тош териш технологияси; қурилиш конструкциялари монтажи технологиясининг асосий принциплари; саноат ва фуқаро бинолари конструкцияларини монтажи; монокит бетон ва темирбетон технологияси; химоя қопламаларини барпо этиш технологияси: том қопламаларини барпо этиш технологияси, гидроизоляция қопламаларини барпо этиш технологияси, иссиқизоляция қопламаларини барпо этиш технологияси, антикоррозия қопламаларини бажариш ишлари; пардоз қопламалари ишларини бажариш технологияси: ойна солиш жараёнларини технологияси; сувоқ жараёнлари технологияси; юзаларни кошнлаш жараёнлари технологияси; осма шипларни қуриш технологияси, юзаларни бўёклаш ва елимлаш технологияси; пол қопламаларини қуриш технологияси.

7.5.3.10. Инженерлик тармоқлари ва жиҳозлари:

иситиш тизими тўғрисида умумий маълумотлар. Иститиш тизими классификацияси. Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимлари ва усқуналари. Бугли ва сувли иссиқлик таъминоти тизимлари ва жиҳозлари. Иссиқлик пунктлари. Иситиш асбобларининг классификацияси. Иситиш тизимининг ҳисобий қуввати. Тўсиқ конструкциялар орқали йўқоладиган иссиқлик. Заминга тўшалган пол орқали иссиқлик йўқолишини ҳисоблаш;

биноларни сув билан таъминлаш тармоқлари ва жиҳозлари. Бино ва иншоотларнинг ички сув таъминоти тизими. Минтақа бўйича (зонали) сув таъминлаш тизими. Суғориш учун сув таъминоти тизимлари. Сув таъминоти тармоқлари. Сув ўтказувчи қувурлар ва арматуралар. Ҳовлиларни сув билан таъминлаш. Бинолардаги совуқ сув таъминоти тизими. Насос қурилмалари. Бинолардаги совуқ сув тизимининг арматуралари. Бинолардаги совуқ сув билан таъминлаш тизимларида босим кўтариш учун қўлланиладиган қурилмалар. Сув таъминоти сантехника жиҳозлари. Сув ўлчаш тугуни ва сув ўлчагичлар. Ички сув таъминоти тизимининг гидравлик ҳисоби. Биноларнинг оқова сув тармоқлари ва жиҳозлари. Ҳовли оқова сувларини окизиш. Оқова сув тармоқларидаги қудуқлар ва уларнинг турлари. Оқова сув насос станцияларини жиҳозлаш. Ички оқова сув тизимининг гидравлик ҳисоби;

совитиш, шамоллатиш тизимлари ва усқуналари. Шамоллатиш қурилмаларининг асосий турлари. Бино ичидаги ҳавони иситиш, тозалаш ва совитиш қурилмалари. Кондицияланувчи хоналарнинг ҳисобий ички шарт шароитлари. Ҳавони кондициялаш тизимининг структура схемаси ва туркумлари;

биноларни газ билан таъминлаш тармоқлари ва жиҳозлари. Газлаштириш тизимларида ишлатиладиган қувурлар ва газ қувурларининг усқуналари. Газни беркитиш усқуналари. Газ жиҳозлари ва усқуналари. Газ сув иситкичларининг тузилиши. Газ сарфини ўлчовчи асбоблар.

7.5.3.11. Кўчмас мулк иқтисодиёти:

“кўчмас мулк” тушунчасининг моҳияти ва аҳамияти; моддий объектларни кўчмас мулклар таркибига киритилиши; кўчмас мулк объектлари хусусиятлари ва аломатлари; кўчмас мулк объектларининг ҳаётий цикли; кўчмас мулк объектлари эскирилиши; ер

участкасининг моҳияти; давлат ер кадастри; Ўзбекистон Республикасида ернинг мақсадли белгиланиши; ер муносабатлари ва ва ер тузилиши асослари; кўчмас мулк бозори моҳияти ва инфратузилмаси; кўчмас мулк бозорининг субъект тузилмаси; кўчмас мулк объектларининг туркумланиш тизими; кўчмас турар жой объектлари таснифланиши; тижорат кўчмас мулк объектлари туркумланиши; кўчмас мулк бозорининг ҳуқуқий асослари; кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши; кўчмас мулк объектларига солиқ солиш тизими; кўчмас мулк объектларига мулкчилик ҳуқуқи; кўчмас мулк объектлари билан тузилган битим турлари; Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш; кўчмас мулк объектлари ижараси; кўчмас мулк объектларини бошқариш ва уларнинг эксплуатацияси жараёни моҳияти; кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш; кўчмас турар жой объектларини бошқариш; кўчмас мулк бозорининг профессионал иштирокчилари; кўчмас мулк объектлари ривожланиши; ризлторлик фаолият; кўчмас мулк бозорида сугурталаш; баҳолаш ёндашувлари; Ўзбекистон Республикасида баҳолаш фаолияти ривожланишининг тамойиллари; кўчмас мулк объектлари қиймати турлари ва уларнинг нархига таъсир килувчи омиллар; кўчмас мулк объектларини баҳолаш тамойиллари; кўчмас мулк объектларини баҳолаш усуллари; турар жой кўчмас мулкларини ипотекали кредитлаш; ипотека кредитининг ривожланиш тарихи; Ўзбекистон Республикасида уй-жой қурилиши, турар жойлар реконструкцияси ва уларни сотиб олишга ипотека кредитини олиш тартиби; ипотека бозори; дунё мамлакатларида турар жойларни молиялаштиришнинг жамгарма ва истеъмол схемалари; турар жойлар қурилишида ўз ҳиссаси билан қатнашиш; инвестициялаш субъектлари ва манбаалари; корпоратив ўзлаштиришлар асосидаги инвестициялаштириш; Ўзбекистон Республикасида инвестицион фондлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш; кўчмас мулкларнинг пай инвестицион фондлари; кўчмас мулк объектлари лизинги.

7.5.3.13. Тармоқ иқтисодиёти ва менежменти:

қурилиш тармоғининг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти; капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва муаммолари; баҳони шакллантиришнинг умумий масалалари; қурилишда нархларни шакллантириш усуллари; иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестиция сиёсати; давлат инвестиция дастурларини шакллантириш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш; Ўзбекистон Республикасида капитал қурилишда баҳони шакллантириш сиёсати; қурилиш ташкилотида ишлаб чиқаришни ташкил этиш иқтисодиёти ва режалаштириш; қурилиш корхонасининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳияти ҳамда ундан оқилона фойдаланиш йўллари; қурилиш корхонасининг асосий фондлари ва айланма маблағлари; қурилиш машина ва механизмларидан фойдаланиш харажатларини шакллантириш; қурилишда меҳнат ресурслари ва меҳнат унумдорлиги; асосий иш хақи харажатлари ва қурилишда меҳнатга ҳақ тўлаш; қурилиш индустрияси корхоналарини модернизациялаш; қурилишни бошқаришнинг замонавий тизими; корхоналар моддий-техника базасини ривожлантириш; қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари харажатлари; ускуналар, мебель ва инвентарлари харажатлари; қурилишда ишлаб чиқаришни концентрациялаш; қурилиш соҳасида ихтисослаштириш ва кооперациялаш; қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархда аниқлаш қондалари; қурилиш объектлари смета қийматини шакллантириш; қурилиш маҳсулотининг таннархи; фойда ва рентабеллик; қурилишни лойihalаштириш иқтисодиёти; қурилиш-монтаж ишларида пудратчининг бошқа харажатлари ва уни ҳисоблаш; қурилишда лойиҳа ечимларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш; буюртмачининг бошқа харажатлари; капитал қурилишда шартнома муносабатлари ва тендер савдолари; капитал қурилишда танлов савдолари ва уларни ўтказиш тартиби;

менежмент назарияси ва амалиётининг ривожланиши; бошқариш усуллари; ахборот таъминоти; менежментда тизимли ва вазиятли ёндашув; менежментда қарор қабул қилиш; менежмент маданияти ва услублари; бошқарувнинг ташкилий тузилиши;

бошқариш қонунлари ва тамойиллари; ходимларни бошқариш тизими, тамойиллари ва самарадорлиги; менежментда режалаштириш; менежмент самарадорлиги тушунчаси.

7.5.3.14. Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит:

хўжалик ҳисоби тўғрисида умумий тушунча ва унга қўйиладиган талаблар; бухгалтерия ҳисобининг предмети ва унинг муҳим объектлари, бухгалтерия ҳисобининг усуллари ва унинг элементлари; бухгалтерия баланснинг тузилиши ва унинг мазмуни ҳамда аҳамияти; баланс моддалари; балансни ўқиш тартиби; нақд пул, касса муомалаларининг ҳисобини юритиш тартиби; материалларнинг роли, тутган ўрни ва бу соҳада ҳисобнинг вазифалари; асосий воситалар ҳисобини ташкил қилишнинг вазифалари; асосий воситаларни туркумларга ажратиш ва баҳолаш тартиби; номоддий активларни баҳолаш; маҳсулот сифатини ва меҳнат унумдорлигини оширишда меҳнат ва иш ҳақи ҳисобининг вазифалари; бозор иқтисодиёти шароитида молиявий қўйилмаларнинг роли ва бу соҳада ҳисобнинг вазифалари; узоқ муддатли молиявий қўйилмалар таркиби; иқтисодий таҳлилнинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиш босқичлари; иқтисодий таҳлилнинг йўл қўйилган камчиликларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш; иқтисодий таҳлил назарияси фанининг иқтисодий фанлар мажмуасида тутган ўрни; иқтисодий таҳлилнинг турлари, ахборот манбалари ва иқтисодий таҳлил ишларини ташкил этиш; молиявий таҳлил ва унинг корхоналар фаолиятига баҳо бериш; дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолатининг таҳлили; муддати ўтган ва муддати етиб келган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолатининг таҳлили; корхона айланма маблағлари айланиши таҳлили; айланма маблағларнинг айланиш кунининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили; аудит ва аудиторлик фаолиятининг моҳияти; Ўзбекистон Республикасининг молиявий назорат тизимида аудитнинг тутган ўрни; аудитнинг мақсади ва вазифалари; аудиторлик ҳисоботининг тузилиши.

7.5.3.15. Статистика:

статистика фани предмети ва унинг ўзига хос хусусиятлари; статистик кузатиш моҳияти ва аҳамияти; статистик кузатиш услубияти; статистик жамлаш ва гуруҳлаш; статистик гуруҳлашнинг моҳияти ва уни ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни таҳлил қилишда аҳамияти; статистик жадвал ва графиклар; жадвал - статистиканинг асосий сўз туркуми сифатида; статистик кўрсаткичлар; статистик кўрсаткичларнинг моҳияти ва аҳамияти; мутлақ, нисбий ва ўртача кўрсаткичлар; ўртача миқдорлар; вариация кўрсаткичлари; вариациянинг моҳияти ва уни статистик ўрганиш зарурлиги; танлама кузатиш; танлама кузатиш моҳияти, уни қўллаш сабаблари ва афзалликлари; регрессион ва корреляцион таҳлил; ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ўртасидаги ўзаро боғланишларни ўрганиш аҳамияти ва уларни статистик тадқиқ қилиш зарурлиги; динамикани статистик ўрганиш усуллари; иқтисодий индекслар; иқтисодий индексларнинг моҳияти ва аҳамияти; Ўзбекистон миллий ҳисоблар тизими – иқтисодий статистиканинг услубий негизи.

7.5.3.16. Метрология, стандартлаштириш, сертификациялаштириш ва сифат назорати:

метрология – катталиқ бирлиги, воситалар, ўлчашлар услублари ва хатолари, ўлчаш воситаларининг метрологик тавсифлари, чизикли ва бошқа қийматларни ўлчаш, метрология бўйича давлат назорати, ўлчаш воситаларини текшируви, колибровкаси ва сертификатлаш (сифатли қилиш);

стандартлаштириш – моҳияти, назарий ва услубий асослари; давлат стандартлаш тизими, соҳа (тармоқ)лараро стандартлари, ўзаро алмашинувчанлик меъёрларини стандартлаш, ЕСКД – ўзаро алмаштириш асослари, сифатни миқдорли баҳолаш услублари, вазифали бирикма ўлчамлари ва улар манбаларини ҳисоблаш усуллари, ўлчов воситаларини танлаш, сифатини таъминлаш, ўлчамли таҳлил, мураккаб бирикмаларни ўзаро алмаштириш, техникавий ҳужжатларни назорат қилиш меъёрларини стандартлаш, стандартлашнинг техника–иқтисодий самарадорлиги.

квалиметрия – маҳсулот сифати кўрсаткичлари, уларни сифатини баҳолаш усуллари, сифатни режалаштириш, аттестациялаш ва бошқариш, сифатни техникавий

назорат қилиш турлари ва уюштириш, маҳсулотни давлат томонидан аттестациялаш ва сертификатлаш тизимлари, маҳсулот сифатини таъминлаш ва стандартлашнинг ҳуқуқий асослари.

7.5.3.17. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги:

инсон ва яшаш муҳити: меҳнат физиологияси асослари ва ҳаёт фаолияти учун қулай шароитлар, антропоген омиллар объекти, ишлаб чиқариш муҳитининг микроклимат кўрсаткичлари, ҳавони ифлослантирувчи объектлар, механик ва акустик тебранишлар, электромагнит майдони ва ионли нурланишлар, электр ток таъсири;

хавфсизлик: техника тизимларининг хавфсизлиги ва экологиклиги, фавқулодда вазиятларда хавфсизлик, ҳаёт фаолияти хавфсизлигини бошқариш, электр хавфсизлиги асослари, ишлаб чиқариш тиббиёти, ёнғин хавфсизлиги;

7.5.4. Ихтисослик фанлари блоки мазмуни ва компонентлари

7.5.4.1. Кўчмас мулкдан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш:

кўчмас мулк объектлари, хусусиятлари ва ўзига хос жиҳатлари; келиб чиқишига кўра кўчмас мулк объектларининг турлари; кўчмас мулк объектларининг белгилари; кўчмас мулк объектдан фойдаланиш бўйича харажатларни лойиҳалаш ва ҳисоблаш; давлат бюджетидан молиялаштириладиган кўчмас мулк мажмуидан фойдаланишнинг режасида назарда тутилган харажатлар рўйхати; кўчмас мулк объектларининг йириклаштирилган таснифланиши; турар жой объектларининг умумий таснифи; тижорат кўчмас мулк объектлари характеристикаси; ижтимоий соҳа кўчмас мулк объектлари тавсифи ва гуруҳланиши; бино ва иншоотларнинг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари фаолиятига ихтисослашуви ва тармоқ хусусиятлари; ижтимоий соҳа кўчмас мулк объектларини баҳолаш ва баҳолашга таъсир қилувчи омиллар; уй-жой фонди ва унинг классификацияси; Ўзбекистон шароитида турар жойлар қурилишини лойиҳалашда қўйиладиган асосий талаблар; уй-жой қурилишида тежамкорлик ва бинолардан фойдаланишни самарали ташкил этиш; бино ва иншоотлар қурилиши учун бошланғич-руҳсат берувчи ҳужжатлар тўплами таркиби; уй-жой фондини техник эксплуатация қилиш; бошқариш жараёнининг умумий схемаси; бошқарувнинг асосий тамойиллари; бошқарувнинг анъанавий (классик), бихевиористик (неоклассик), тизимлиназариялари; кўчмас мулкни бошқариш тушунчаси; кўчмас мулкни бошқаришнинг концептуал умумлаштирувчи схемаси; кўчмас мулк бозорини бошқариш мақсади ва тамойиллари; кўчмас мулк объектларини бошқариш мақсади ва механизми; девелопернинг профессионал – тадбиркор сифатидаги роли; девелоперлик фаолиятининг тамойиллари; девелопментнинг турлари ва самарадорлиги; шаҳар ҳудудларини зоналаштириш; кўчмас мулк объектларига эгаллик ҳуқуқи; Ўзбекистон Республикасида давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни; кўчмас мулк бозорининг ҳуқуқий асослари; уй-жой муносабатлари; кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва битимларини давлат рўйхатидан ўтказиш; кўчмас мулк объектларига солиқ солиш тизими.

7.5.4.2. Бино ва иншоотларни техник ҳолатини баҳолаш:

бино ва иншоотларнинг конструкцияларига салбий таъсир кўрсатадиган факторлар - табиий, техноген, объектив ва субъектив; бино ва иншоотлар конструкцияларида учрайдиган турли хилдаги дефектлар, шикастланишлар, бузилишлар, деформация ҳолатлари сабаблари ҳамда уларни олдини олиш чора-тадбирлари; биноларни техник ҳолатини баҳолашни таҳлил қилиш; бино ва иншоотларни лойиҳавий ҳолатдан оғиш, чўкиш ва уларга олиб келувчи сабаблар, уларни олдини олиш чора-тадбирлари; бино ва иншоотларнинг авария ҳолатлари бўйича турларга бўлиниши; замин ва пойдевор деформацияси туфайли содир бўладиган авария ҳолатлари; уларнинг келиб чиқиши сабаблари ва уларни олдини олиш йўллари; пойдеворлар, уларда учрайдиган шикастланиш ва деформация турлари; уларнинг келиб чиқиши сабаблари ва уларни олдини олиш; мавжуд бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини баҳолаш; бино ва унинг конструктив элементларига қўйиладиган эксплуатацион талаблар; эксплуатация мобайнида бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини ўзгартиришнинг

пайдо бўлиши; чегаравий эксплуатацион ҳолатлар; бино конструкциясини емирилиш даражаларини баҳолаш усуллари; техник диагностика ҳамда бино ва иншоотларнинг ҳолати ҳақида техник хулоса.

7.5.4.3. Уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодиёти ва бошқаруви:

уй-жой коммунал хўжалиги тизими ва унинг аҳоли турмуш даражасини яхшилашдаги роли; Ўзбекистон Республикасида уй-жой коммунал хўжалигини ислох қилиш; турар жой бинолари ва уларнинг асосий конструктив тузилиши; уй-жой фонди ва унинг классификацияси; уй-жой фондини таъмирлаш ишларининг асосий турлари; коммунал хўжалиги таркиби ва коммунал хизматларни ташкил этиш; уй-жой коммунал хўжалиги тизимида баҳони шакллантириш ва коммунал хизматларидан фойдаланиш меъёрлари; коммунал хўжалиги тизимида электр энергияси таъминоти ва фойдаланилган электр энергияси учун тўловларни ташкил этиш; коммунал хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондлари; коммунал хўжалиги корхоналарининг айланма маблағлари ва хўжалик фаолиятини баҳолашнинг сифат кўрсаткичлари; коммунал хўжалиги корхоналарини ҳудудда жойлаштириш ва улар фаолиятини ташкил этиш; хизмат кўрсатиш корхоналарида ресурсларнинг технологик сарфи ва йўқотишларни ҳисоблаш; хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати уй-жой фондида хизмат кўрсатишнинг мукамал шакли; хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг молиявий-иқтисодий фаолияти; уй-жой коммунал хизмат кўрсатишда "Ягона буюртмачи хизмати" ва профессионал бошқарув компанияси.

7.5.4.4. Кўчмас мулкни баҳолаш:

баҳолаш тушунчаси; баҳо турлари; баҳо, қиймат ва харажатлар; бозор баҳолари асосида баҳолаш концепцияси; мулкни баҳолашнинг тамойиллари; мулкдан энг самарали ва мақбул фойдаланиш принциплари; мулкни баҳолашга ёндашувнинг уч тури; объект характеристикаси ва баҳони шакллантирувчи омил сифатида унинг фаолиятини таъминловчи кўрсаткичлари ҳамда харжатлар турларини аниқлаш; баҳолашнинг асосий босқичлари ва жараёнлари; маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш, бозор нархларини таҳлил қилиш; баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш; бозор иқтисодиёти шароитида кўчмас мулкни баҳолаш мақсади, вазифалари ва аҳамияти; кўчмас мулк бозорини аниқлаш; ер ва сифати; кўчмас мулк бозори умумий характеристикаси; кўчмас мулк бозори структураси ва сегментларга бўлиниши; кўчмас мулк фаолиятини тартибга солишда давлатнинг роли; баҳони шакллантиришда бозор, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий кўрсаткичлар таъсири; кўчмас мулк бозорининг ҳажми; бино ва иншоотларнинг конструктив тузилиши тўғрисида асосий тушунчалар; бинони кўтариб турувчи ва чегараловчи элементлари; ташқи ва ички безак элементлари; биноларнинг объём (ҳажм) - режа кўрсаткичлари тўғрисида тушунча; эскириш йиғиндисини аниқлаш учун асос сифатида бинонинг техник (жисмоний), функционал, иқтисодий, экологик талаблари даражаси; кўчмас мулк объектларининг техник экспертизаси; харажатлар усули асосида ёндашиш; бино ва иншоотлар эскиришининг уч тури; даромадга асосан ёндашиш таркиби; тўғридан-тўғри капитализация қилиш усули; пул оқимларини дисконтлаш усули; кўчмас мулкни баҳолашнинг таққослаш усули; ерни баҳолаш усуллари; баҳолаш объекти сифатида ер майдонининг хусусияти; ер майдонини баҳолашда харажатлар усулида ёндашиш; ер майдонини баҳолашда даромадлар усулида ёндашиш; ер майдонини баҳолашда таққослама ёндашиш; ерни ёппасига баҳолаш ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерни баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари.

7.5.5. Танлов фанлари

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанлари рўйхати ва уларнинг дастурлари ОТМ Кенгаши томонидан белгиланиб, талабалар уларнинг ичидан қизиқishi ва мойилликларига мос келадиганларини танлаб ўқийдилар.

O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
RAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA ZO
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JURIY ETISH BOSHQARMASI

7.5.6. Малака амалиёти***Танишув амалиёти***

Талабалар амалиёт вақтида кўчмас мулкдан фойдаланиш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича назарий билимларни мустахкамлайдилар, келгусида махсус фанларни ўзлаштириш ва улар бўйича чуқур билим олиш учун кўчмас мулкдан фойдаланиш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари фаолиятини таъминлашда зарур бўлган ишлаб чиқаришга оид қурилмалар, ускуналар ва замонавий технологик жараёнлар билан танишиб уларни амалий жихатдан ўрганадилар.

Ишлаб чиқариш амалиёти

Талабалар амалиёт вақтида кўчмас мулкдан фойдаланиш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари тузилишини, техникавий таъминланганлигини ва уларнинг ишлаб чиқариш технологик жараёнларини ўрганадилар; кўчмас мулкдан фойдаланиш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотларини бошқаришни ва иш жойларини ташкил этишни ҳамда кўчмас мулкдан фойдаланишда ишлатилувчи замонавий техникавий воситалар билан танишадилар ва ўрганадилар; кўчмас мулкни бошқариш, қурилиш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотларининг иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ўрганадилар; кўчмас мулк объектларидан фойдаланишни ташкил этишни лойиҳалаш ва қуриш-таъмирлашга ихтисослашган корхоналарида фойдаланиладиган ҳисоблаш техникаси билан танишадилар; кўчмас мулк объектлари қурилишида техник воситаларидан фойдаланиш даражасини кўтариш бўйича ишлаб чиқилган ташкилий ва илмий-техникавий ҳамда меҳнат ва ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган тадбирларни ўрганадилар.

Битирув олди амалиёти

Битирувчи амалиёт вақтида бевосита стандарт талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрланади; ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштиради ва мустахкамлайди; жамоада ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб бориш бўйича тажриба ҳосил қилади; кўчмас мулк объектларини бошқаришга ихтисослашган ташкилотларда битирув ишини бажариш учун материаллар тўплайди.

7.5.7. Битирув иши

Битирув ишлари мавзулари соҳанинг ривожланиш истикболи ва фан, таълим, техника, технология, иқтисодиётдаги замонавий ютуқлар ҳамда кадрлар буюртмачиларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасасининг бакалаврлар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

Битирув ишининг мавзулари бошқарув, технологик, конструкторлик ёки илмий-тадқиқот йўналишида бўлиши мумкин.

Битирув иши топшириғи, одатда талабаларга учунчи курс тугаганидан кейин берилади. Битирув иш умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўзлаштирганлик даражаси бўйича тўртинчи курсда, шунингдек унинг бажарилиши ушбу стандарт томонидан белгиланган вақт давомида бажарилади.

8. Бакалавриятнинг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар**8.1. Бакалаврият таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар**

8.1.1. Таълим дастурини ишлаб чиқишда ОТМ республика иқтисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган кадрлар эҳтиёжини ҳисобга олиши керак.

ОТМлар таълим дастурини фан, таълим, техника, маданият, санъат, иктисодиёт, технология ва ижтимоий соҳа ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгилаб туриши керак.

8.1.2. Таълим дастурини ишлаб чиқишда ОТМ томонидан битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимий-фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аниқланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий муҳитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга масъул.

ОТМ ўқув жараёнини ижтимоий-тарбиявий ривожлантиришга, талабаларнинг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий тўғаракларда, талабаларнинг илмий жамиятларида иштирокига кўмаклашиши керак.

8.1.3. Ўқув жараёнининг машғулотларини ташкил этишда фаол ва интерфаол (компьютер симуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш ва ҳ.к.) шакллари ўтказишни, талабаларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг қўллашни назарда тутилиши керак.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талаба контингент хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гуруҳлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 25 фоизи мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши керак.

8.1.4. Талабалар ўқув юкламасининг максимал ҳажми таълим дастурига ОТМ томонидан кўшимча белгиланадиган факультатив фанларни ўзлаштириш бўйича аудитория ва аудиториядан ташқари (мустақил) таълим билан биргаликда ҳафтасига 54 академик соатдан ошмаслиги керак.

8.1.5. ОТМ талабалар учун ўқиш дастурини, бўлиши мумкин бўлган индивидуал таълим дастурларини ишлаб чиқишни инобатга олган ҳолда, шакллантиришда реал иштирок этиш имкониятини таъминлашга масъул.

8.1.6. Ўқув дастурини шакллантиришда ОТМ талабаларни уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништириши, талабалар учун танлов фан (модул, курс) лари мажбурий эканлигини тушунтириши керак.

8.1.7. Талабаларда билим, амалий малака ва кўникмаларни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ таълим дастури ўқув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни қамраб олиши керак.

8.2. Таълим дастурларининг татбиқ этилиши

5340900 – Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури аккредитацияланган олий таълим муассасаларида ривожланаётган таълим технологияларидан, ахборот-коммуникация технологияларидан ва таълимнинг замонавий техника воситаларидан фойдаланиб амалга оширилади.

Хорижий тилларни талабалар томонидан ўзлаштирилишига ҳамда педагоглар томонидан ўқитилишига эътибор устувор бўлмоғи ва шароит яратилиши керак.

Малака амалиёти замонавий корхоналарда, ташкилотларда ва илмий изланишлар олиб бораётган талабалар учун ИТИ ларида ва кафедра лабораторияларида ўтказилади, улар талабаларни амалиёт дастурларида кўзда тутилган иш жойлари билан таъминлашлари керак.

Ўқиш даврида талаба камида иккита Давлат аттестацияларини (гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий ва чет тили фанларидан) топширади ва битирув иши (лойиҳаси)ни химоя қилади. Давлат аттестацияси мос фанлар бўйича ўқув жараёни тугаллангандан кейин топширилади.

8.3. Малака амалиётларни ташкил этиш талаблари

Амалиётлар бакалаврият таълим дастурининг мажбурий қисми ҳисобланади. Амалиётлар танишув, ишлаб чиқариш машғулотилари кўринишида бўлиб, талабаларнинг касбий-амалий тайёргарланганлигига бевосита йўналтирилган бўлади. Бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури – танишув, ишлаб чиқариш ва битирув олди амалиётларини ўз ичига олади.

Амалиёт натижаси ва ҳисоботи баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

Ўқишнинг биринчи ва иккинчи йилларида *танишув амалиёти* ўтказилади, мақсад – корхона ва ташкилотларда кўчмас мулкдан фойдаланиш ва бошқариш жараёнлари билан умумий тарзда танишиш, кўчмас мулкдан фойдаланишда ишлатиладиган технологик жиҳозларни ташкил этиш *кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган*.

Амалиётни ўтказиш муддатлари ўқув режаси билан аниқланади. Амалиёт тутагандан сўнг комиссия олдида ҳисобот беришади. Баҳолаш шакли ўқув режасида белгиланади.

Ўқишнинг учинчи йилидаги ишлаб чиқариш амалиётининг мақсади – кўчмас мулк объектларидан фойдаланиш ва бошқаришга ихтисослашган корхоналар ва ташкилотлардаги кўчмас мулкни бошқариш билан боғлиқ технологик жараёнларни, кўчмас мулкни бошқариш ва экспертиза қилишни бевосита ундан фойдаланиш ҳамда баҳолаш жараёнида иштирок этган ҳолда ўрганишдир.

Талабалар кўчмас мулкни бошқариш ва уни экспертиза қилишнинг жараёнларини ташкил этиш кўникмаларини эгаллашади. Амалиёт кўчмас мулкдан фойдаланишни ташкил этиш жараёнлардаги камчиликларни аниқлаш, жойларда баргараф этиш чора тadbирларини ишлаб чиқиш *кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган*.

Ўқишнинг тўртинчи йилида ўтказиладиган битирув олди амалиётининг мақсади – талабаларда кўчмас мулкни бошқаришни такомиллаштириш, кўчмас мулкни баҳолаш муаммоларини ўрганиш, кўчмас мулкдан фойдаланиш харажатларини камайтириш, иш жараёнида меҳнат муҳофазаси талабларини амалга ошириш, кўчмас мулк объектларидаги техник воситалардан фойдаланиш ҳамда биноларни экспертиза қилиш *кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган*.

Битирув олди амалиётида талабалар битирув иши (лойихаси) учун материаллар тўплайдилар ва зарур изланишларни амалга оширадилар.

Талабаларнинг илмий-тадқиқот иши амалиётнинг бир бўлагини ташкил қилиши мумкин. Илмий-тадқиқот иши битирувчиларда касбий компетенцияларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади. У талабани 6-семестрдан кафедранинг илмий ишида албатта иштирок этишини, курс ишларини илмий ва лойихавий мавзулар бўйича бажаришини ва ҳимоя қилишини, талабанинг талабалар илмий жамияти йўналиши бўйича илмий ишда иштирок этишини ва битирув ишини кафедранинг илмий мавзуси бўйича бажаришини назарда тутати.

Талабалар илмий-тадқиқот ишининг ташкил қилинишида ОТМ томонидан қуйидагилар билан таъминланиши керак:

- курс ишларининг ҳар йили янгиланадиган мавзулари ҳақида талабаларни ўз вақтида хабардор қилиш;

- мутахассис чиқарувчи факультет (кафедра)нинг илмий мавзуси бўйича талабаларни илмий-тадқиқот ишларини бажаришлари учун лабораторияларда иш жойлари билан таъминлаш;

- ОТМ нинг АРМ ида мустақил илмий-тадқиқот ишини олиб бориш имкониятини яратиш;

- талабалар илмий жамиятининг конференцияларини ташкил қилиш;

- талабалар илмий конференцияси голибларига мамлакатнинг бошқа ОТМ ларига маърузалар билан чиқиш имкониятларини яратиш.

8.4. Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар

Бакалаврият таълим дастурини амалга оширишда ўқитиладиган фан бўйича таянч маълумотга эга бўлган, билим, малака ва кўникмага эга бўлган юқори малакали ўқитувчилар, фан номзоди ва доцентлар, фан доктори ва профессорлар, шунингдек тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар жалб этилиши керак.

Бакалаврият ўқув жараёни илмий-педагогик, илмий ёки илмий-методик фаолият билан шуғулланаётган кадрлар билан узлуксиз таъминланиши керак.

Таълим жараёнига амалдаги тегишли тармоқ ташкилотлари, корхоналари ва муассасаларининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари жалб этилиши мумкин.

Бакалаврият таълим дастурини амалга оширишга жалб этиладиган профессор-ўқитувчилар ҳар 3 йилда малакаларини ошириб боришлари керак.

8.5. Таълим жараёнини ўқув-услубий ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари

Таълим дастури таълим дастурининг ҳамма ўқув курслари, фанлари (модуллари) бўйича ўқув-методик ҳужжатлар ва материаллар билан таъминланиши керак.

Таълим дастурининг амалга оширилиши ҳар бир талаба таълим дастуридаги фан (модул)ларнинг тўлиқ рўйхати бўйича шаклландирган маълумотлар базаси ва АРМ фондидан фойдаланиш ҳуқуқи билан таъминланиши керак.

Таълим дастури бўйича ҳар бир талаба ўрнатилган меъёрларга мос равишда таълим дастурига кирувчи ҳар бир фан бўйича ўқув ва ўқув-методик чоп этилган ёки электрон нашрлар билан таъминланиши керак.

АРМнинг асосий фонди фанлар бўйича охириги 10 йилда (гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар – охириги 5 йилда) чоп этилган ўқув адабиётларининг босма ёки электрон нашрлари билан тўлдирилган бўлиши керак.

Ўқув адабиётидан ташқари кўшимча адабиёт фонди расмий маълумотнома-библиографик ва даврий нашрларни ўз ичига олиши керак.

Таълим дастурини тўлиқ амалга ошириш учун ОТМ нинг АРМ да таълим йўналишининг ўқув режасида келтирилган фанлар бўйича яратилган адабиётлар, ўқув-методик қўлланмалар (камида ҳар 6 нафар талабага 1 та адабиёт) бўлиши лозим.

Мамлакатимиздаги ва чет элдаги олий таълим муассасалари, корхоналари ва ташкилотлари билан оператив равишда ахборот алмашиш, замонавий касбий маълумотлар базалари, ахборотлар ва қидирув тизимларидан фойдаланиш имконияти билан таъминланган бўлиши керак.

5340900 – Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш таълим йўналиши бўйича бакалаврни тайёрлаш жараёнида асосан қуйидаги педагогик технологиялар ва ўқитиш методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- ўқитишнинг интерфаол методи;
- муаммоли ўқитиш технологияси;
- ўйинли технологиялар;
- танқидий фикрлаш ривожланишининг педагогик стратегиялари;
- шахсий йўналганлик асосидаги педагогик технологиялар;
- ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил қилиш асосидаги педагогик технологиялар;
- ўқитишни дифференциациялаш;
- ўқитишни индивидуallashtirish технологияси;
- дастурий ўқитиш технологияси;
- ўқитишнинг комплекс методлари (лойиҳавий метод, тармоқли режалаштириш методи, аклий ҳужум, ассоциограммалар методи ва х.к.).

8.6. Ўқув жараёнининг моддий-техник базаси бўйича талаблар

Бакалавр тайёрлашнинг таълим дастурини амалга оширувчи ОТМ ўқув дастурида назарда тутилган маъруза, амалий, семинар, лаборатория машғулотлари ҳамда курс иши,

амалий ва илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун санитария-гигиена, ёнгина қарши қондалар ва меъёрларга мос келадиган моддий-техника базасига эга бўлиши керак.

Бакалавр таълим дастурини амалга ошириш учун ОТМ нинг минимал зарур бўлган моддий-техник базаси:

- маъруза аудиториялари;
- семинар ва амалий машғулотлари аудиториялари;
- илмий-тадқиқот ишини ўтказиш учун лабораториялар;
- ўқув машғулотларида кўргазмали материалларни намойиш қилиш учун турли хил ашпаратуралар;
- амалий машғулотлар ва лаборатория ишларини ўтказиш учун ўқув дастурига мос асбоб-ускуна ва жиҳозлар;
- илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун зарур лаборатория жиҳозлари;
- интернет тармоғидан фойдаланиш учун глобал тармоққа уланган компьютер синфлари;
- семинар машғулотларини ўтказиш ҳамда чет тилини ўрганиш бўйича лингафон синфлари билан таъминланган бўлиши лозим.

9. Бакалавр тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасаси фаолиятини баҳолаш

9.1. Бакалаврият йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш қуйидагилардан иборат:

ички назорат ОТМ томонидан амалга оширилади. Ички назорат олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган назоратнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом асосида ўтказилади;

якуний давлат назорати давлат таълим стандартига мувофиқ фанлар бўйича якуний давлат аттестацияси ва бакалавр битирув иши ҳимоясини ўз ичига олиб, ўрнатилган тартибда амалга оширилади;

давлат-жамоат назорати олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган тартибда ўтказилади;

ташқи назорат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

9.2. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 21-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ тартибга солинади.

9.3. ОТМ томонидан талабалар компетентлигини баҳолаш ва назорат қилиш тизими уларнинг бўлажак касбий фаолиятига максимал яқин бўлиши учун шароитлар яратилиши керак. Бунинг учун муайян фан ўқитувчиларидан ташқари ташқи экспертлар сифатида иш берувчилар, турдош фанлардан дарс берувчилар ва бошқалар бу жараёнга фаол жалб этилиши лозим.

9.4. Якуний давлат аттестацияси бакалавр битирув иши ҳимоясини ўз ичига олади.

Битирув ишининг мазмуни, ҳажми ва тузилмасига бўлган талаблар битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ўтказиш ҳақидаги Низом асосида белгиланади.

9.5. Олий таълим муассасаси:

- ушбу стандартдаги талабларга риоя қилиниши;
- профессор-ўқитувчилар таркиби ва ўқув-ёрдамчи ходимлар малакавий талабларга тўла мос келиши;

– хар бир фан дастурида назарда тугилган ўкув-методик адабиётлар, ўкув-услугий мажмуалар, шунингдек, мустакил таълим ва мустакил тайёргарлик учун материаллар билан таъминланганини;

– ўкув жараёнининг моддий-техникавий таъминланганиши учун тўла масъулдир.

10. Эслатма

10.1. OTMга:

– ушбу стандартда назарда тугилган минимал мазмунни таъминлаган ҳолда талабанинг ҳафталик максимал юкламасини оширмасдан ўкув материални ўзлаштиришга ажратилган соатлар ҳажмини ўкув фанлари блоклари учун 5% оралигида, блокга кирувчи ўкув фанлари учун 10% оралигида ўзгартириш;

– ўкув фанлари мазмунига фан, техника ва технологияларнинг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритиш ҳукуки берилади.

10.2. Курс ишлари (лойиҳалари) муайян ўкув фаолиятининг бир тури сифатида кўрилади ва ушбу ўкув фанини ўзлаштириш учун ажратилган соатлар чегарасида бажарилади.

10.3 ДТСни билиш профессор-ўқитувчилар таркибини танлов асосида саралаш шартларидан бири ҳисобланади.

10.4. 5340900 – *Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш* бакалавриат таълим йўналиши ўкув режаси ҳафталик аудитория ўкув юкламаси – 32 соат бўлган структура асосида ишлаб чиқилади.

11. Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати

11.1. ДТС ўрнатилган тартибда тасдиқланиб, “Ўзстандарт” агентлигида давлат рўйхатидан ўтгандан кейин амал қилиш муддати - камида 5 йил.

11.2. Давлат бошқарувининг ваколатли органлари томонидан давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий этиш тўғрисида янги тартиб-қоидалар қабул қилинса ДТСнинг амал қилиш муддати ўзгариши мумкин.

5340900 – Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш бакалаврият таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши

| T/p | Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари | Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда |
|-------------|--|------------------------------------|
| 1 | 2 | 3 |
| 1.00 | Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар | 1704 |
| 2.00 | Математик ва табiiй-илмий фанлар | 1490 |
| 2.01 | Олий математика | 588 |
| 2.02 | Информатика ва ахборот технологиялари | 316 |
| 2.03 | Физика | 236 |
| 2.04 | Кимё | 92 |
| 2.05 | Назарий механика | 166 |
| 2.06 | Экология | 92 |
| 3.00 | Умумқасбий фанлар | 2966 |
| 3.01 | Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси | 192 |
| 3.02 | Материаллар қаршилиги | 198 |
| 3.03 | Қурилиш механикаси | 180 |
| 3.04 | Инженерлик геодезияси | 122 |
| 3.05 | Қурилиш материаллари ва буюмлари | 240 |
| 3.06 | Архитектура | 240 |
| 3.07 | Грунтлар механикаси, замин ва пойдеворлар | 240 |
| 3.08 | Қурилиш конструкциялари | 122 |
| 3.09 | Қурилиш жараёнлари ва ремонт ишлари технологияси | 216 |
| 3.10 | Инженерлик тармоқлари ва жиҳозлари | 180 |
| 3.11 | Кўчмас мулк иқтисодиёти | 142 |
| 3.12 | Тармоқ иқтисодиёти ва менежменти | 236 |
| 3.13 | Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит | 190 |
| 3.14 | Статистика | 120 |
| 3.15 | Метрология, стандартлаштириш, сертификациялаштириш ва сифат назорати | 94 |
| 3.16 | Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги | 94 |
| 3.17 | Танлов фанлар | 160 |
| 4.00 | Ихтисослик фанлари | 734 |
| 4.01 | Кўчмас мулкдан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш | 140 |
| 4.02 | Бино ва иншоотларни техник ҳолатини баҳолаш | 170 |
| 4.03 | Уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодиёти ва бошқаруви | 190 |
| 4.04 | Кўчмас мулкни баҳолаш | 140 |
| 4.05 | Танлов фанлар | 94 |
| 5.00 | Қўшимча фанлар | 450 |
| | Жами | 7344 |
| | Малака амалиёти | 864 |
| | Битирув иши | 270 |
| | Аттестация | 1026 |
| | Жами | 2160 |
| | ҲАММАСИ | 9504 |

Эслатма: Ушбу таълим дастурининг фанлар таркибига ва уларнинг умумий юкламалар ҳажмига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мумкин.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002-651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалаврият, таълим дастури, профиль, ўқув цикли, кўчмас мулк, кўчмас мулк объекти, кўчмас мулкни бошқариш, фойдаланишни ташкил этиш, кўчмас мулк объектининг эскириши, жисмоний эскириш, маънавий эскириш, иктисодий эскириш, ер кадастрининг рўйхатга олиш, ер участкаларини давлат кадастрида ҳисоби, кўчмас мулк объектларининг таснифланиши, табиий объектлар, сунъий объектлар, умумий мулк, кўчмас мулк бозори, инфратузилмаси, техник экспертиза, кўчмас мулк объектининг нархи, инвестицион қиймат, эгалик ҳукуқи, фойдаланиш харажатлари, ижараси тўлови, инвестициялаш, капитал қурилиш, инвестицияларни ўзлаштириш, қурилишда баҳони шакллантириш, мулкни баҳолаш, экспертизани режалаштириш, мулкний муносабатлар, бинодан фойдаланиш.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини
ривожлантириш маркази



Директор [Signature] проф. Рахимов Б.Х.

2014 йил « 30 » январь .



Тошкент архитектура-қурилиш институти

Ректор [Signature] Низомов Т.А.

2014 йил « 25 » январь .

КЕЛИШИЛГАН:

Самарканд давлат архитектура-қурилиш институти



Ректор [Signature] Ахмедов С.И.

2014 йил « 28 » январь .

Ўзбекистон «О'zkomunxizmat» Агентлиги
Бош директор



Принбосари [Signature] Ахмедов О.

2014 йил « 28 » январь .

“Архитектура-қурилишда
интеграция ва инновация Маркази” ШК

Директори

[Signature] Хаитов Э.Б.

2014 йил « 28 » январь .



STANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
HIZMATINI MUHOFAZALASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JURIY ETISH BOSHQARMASI

Ижодий гуруҳ ранси ва аъзолари
Ижодий гуруҳ ранси ва ўринбосари

| | | |
|-------------------------------|-------------|------------------------------|
| Ижодий гуруҳ ранси | А.Тўлаганов | Ўқув ишлари бўйича проректор |
| Ижодий гуруҳ ранси ўринбосари | В.Ёдгоров | Кафедра мудир |



Ижодий гуруҳ аъзолари

| T/p | Ўқув фаилари (курс-лар)нинг номи | Таянч ОТМдан | | Турдош ОТМдан, асосий кадрлар истеъмолчиларидан | |
|------|--|--|------|---|------|
| | | Ф.И.Ш., лавозими, илмий даражаси ва унвони | Имзо | Ф.И.Ш., лавозими, илмий даражаси ва унвони | Имзо |
| 3.00 | Умумқасбий фаилар | | | | |
| 3.01 | Чизма геометрия, инженерлик ва компьютер графикаси | Мирхамидов Д. | | Узоқов Ш. | |
| 3.02 | Материаллар қаршилиги | Рахмонов Б. | | Тўраев Х. | |
| 3.03 | Қурилиш механикаси | Саидий С. | | Тўраев Х. | |
| 3.04 | Инженерлик геодезияси | Назаров Б. | | Жўрақулов Д. | |
| 3.05 | Инженерлик геологияси | Назаров Б. | | Жўрақулов Д. | |
| 3.06 | Қурилиш материаллари ва буюмлари | Самигов Н. | | Султонов Б. | |
| 3.07 | Архитектура | Сайфуддинов С. | | Шуқуров Ф. Сайфуддинов С. | |
| 3.08 | Грунтлар механикаси, замин ва пойдеворлар | Файзиев Х. | | Хасанов З. | |
| 3.09 | Қурилиш конструкциялари | Низомов Ш. | | Раззоқов С. | |
| 3.10 | Қурилиш жараёнлари технологияси | Юсупов Х. | | Исроилов Э. | |
| 3.11 | Инженерлик тармоқлари ва ускуна-лари | Буриев Э. | | Якубов Н. | |
| 3.12 | Қурилиш иқтисодиёти | Джабриев А. | | Жумаев Ғаниева Г. | |
| 3.13 | Менежмент асослари | Давлетов И. | | Абдумажидов С. | |
| 3.14 | Молиявий бошқарув ҳисоби | Муҳибова Г. | | Ғиёсов Б. | |
| 3.15 | Иқтисодий таҳлил ва аудит | Исамухамедова Ш. | | Ғаниев К. | |
| 3.16 | Бино ва иншоотларни техник баҳолаш | Низомов Ш. | | Убайдиллаев У. | |

| | | | | | |
|------|--|-----------------|---|-------------|---|
| 3.17 | Бино ва иншоотларни техник эксплуатацияси | Мирджалилова Д. |  | Ғаниев К. |  |
| 3.18 | Микроиктисодиёт | Носирова Л. |  | Ғаниева Г. |  |
| 3.19 | Метрология, стандартлаштириш, сертификациялаштириш ва сифат назорати | Рахмонов Б. |  | Тўраев Х. |  |
| 3.20 | Ҳаёт фаолият хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси | Самигов Н. |  | Махмудов Р. |  |
| 4.00 | Ихтисослик фанлар | | | | |
| 4.01 | Қурилиш ремонт ишларини ташкил этиш | Юсупов Х. |  | Ғаниев К. |  |
| 4.02 | Коммунал маиший хизмат кўрсатиш ва сервис асослари | Буриев Э. | | Якубов Н. |  |
| 4.03 | Бинонинг муҳандислик тизимларига сервис хизмати кўрсатиш | Буриев Э. |  | Якубов Н. |  |
| 4.04 | Уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодиёти ва бошқаруви | Ёдгоров В. |  | Ғиёсов Б. |  |
| 4.05 | Кўчмас мулкдан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш | Мирджалилова Д. |  | Ғаниев К. |  |

